VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

38 (470) ● 2017 йил 13 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Депутат фикри

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ

ЮЗАСИДАН ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ НУҚТАИ НАЗАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди. Эшитув ҳақида Ўзбекистон "Миллий тикланиш демократик партиясининг позициясини билиш мақсадида фракция аъзоларини суҳбатга чорладик.

Элдор ТУЛЯКОВ,
ЎзМТДПфракцияси аъзоси:

— Давлат бюджетининг жорий йил биринчи ярим йилликдаги ижроси муҳокамасига партиянинг дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёндошдик.

Йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёев тармоқлар ва ҳудудларда мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, фаол инвестиция сиёсатини юритиш, экспорт салоҳиятини ошириш, ҳудудларни комплекс ва жадал ривожлантириш борасида белгилаб берган устувор вазифалар, Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинаётгани таъкидланди. Натижада, ҳисобот даврида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 7 фоизни ташкил этди. Шунингдек, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7,6 , қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 5,8, чакана савдо айланмаси 11,1, фоизга ўсди.

2-бет

Муносабат

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДАН БОШЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини халқимиз, айниқса, маънавий-маърифий соҳа вакиллари ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари ва электорати кўтаринки руҳда кутиб олди. Айтиш керакки, ушбу қарор бугунги кун учун ниҳоятда муҳим ва долзарб аҳамиятга эга ҳужжат бўлди. У фарзандларимизнинг илм-маърифатли, дунёқараши кенг инсонлар бўлиб камолга етишида муҳим дастуриламал вазифасини ўтайди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги мавжуд мактабгача таълим тизими аҳолининг бугунги талаб ва истакларига тўла мос келмай қолган эди. Мамлакатимиздаги болаларнинг атиги йигирма етти фоизга яқини мактабгача таълим муассасаларига жалб этилгани, амалда фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, кадрлар билан таъминланиши, уларнинг салоҳияти, услубий таъминоти замон талабларидан орқада қолгани ҳеч кимга сир эмас.

Қарорда мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш назарда тутилган. Албатта, ишни самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан бошқарувнинг қай даражада ташкил этилганига боғлиқ. Қарорда асосий вазифамиз бўлган таълим-тарбия жараёнини ана шу асосда такомиллаштириш кўзда тутилмоқда. Мактабгача таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник ривожланишини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланаётгани соҳани янги босқичга кўтариш имкониятини яратади.

2-бет

Ҳамкорлик

ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛИШУВ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 12 июль куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида ҳар бир сиёсий партия ўз дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, назорат қиладиган вазирлик ва қўмиталарни аниқлаб олиши, улар билан тизимли ва доимий ишлаши лозимлигини таъкидлаган эди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мазкур маърузада белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, яқинда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорлик меморандумини имзолади.

Партия ҳамда вазирлик вакиллари иштирок этган учрашувда ЎзМТДП етакчиси Сарвар Отамуратов ва Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев маданият, санъат соҳасига оид муштарак мақсад-вазифаларни амалга оширишда ушбу ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида илгари сурилган Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини халқаро майдонда кенг миқёсда тарғиб этиш, Ўзбекистон заминида яшаб ижод этган ва жаҳон тамаддуни тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарларни яратиш ва уларни дунё жамоатчилиги диққат-эътиборига етказиш, ёш хонанда ва созандаларимизнинг халқаро нуфузли танлов ва фестивалларда иштирок этиб, юқори натижаларга эришишига кўмаклашиш каби мақсад-вазифалар ижросини таъминлашда вазирлик билан биргаликда иш олиб бориш алоҳида ўрин тутади. Ўз навбатида, вазирлик тизимидаги қатор масалаларни ҳал этиш, маданият соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, жумладан, "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда партия ва депутатлик бирлашмалари билан ҳамкорликда ишлаш Маданият вазирлиги фаолияти учун ҳам долзарб аҳамият касб этади.

3-бет

Ташаббус натижа берди

БИЗ ЭРТА ТУРМУШГА ҚАРШИМИЗ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА УШБУ МАСАЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мамлакатимизда оиланинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, уни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила қураётган ёшларнинг соғлом турмуш тарзи, фарзандлар тарбияси борасидаги билими ва кўникмасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Зеро, янги оиланинг мустаҳкам бўлиши, жамиятда ўз ўрнини топиши, аввало, ёшларнинг жисмоний ва руҳий баркамоллиги, оила қуришга тайёрлиги билан белгиланади. Бироқ кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим жойларда ота-оналарнинг хоҳиш-истаклари, ўйламай қабул қилган қарорлари туфайли эрта турмуш қуриш ҳолатлари учраётгани ҳам бор гап. Яқинда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи "Оила, маҳалла, таълим муассасаларида ёшлар, айниқса, қизлар тарбияси, эрта никоҳнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги масалани сессия муҳокамасига киритди. Ундан мақсад — мавжуд муаммоларга ечим излаш, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифа — оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасидаги ишлар самарадорлигини таъминлашдан иборат.

4-бет

Фракция позицияси

МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР КОНЦЕПЦИЯСИ

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари, экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар, партиянинг Марказий кенгаши ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор қатор масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Фракция йиғилишида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 8 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони ва унинг асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясидан келиб чиқадиган партия ва унинг фракцияси аъзолари олдида турган муҳим вазифалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган мазкур Концепцияда белгиланган чора-тадбирлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасидаги мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Концепцияда назарда тутилган вазифалар ЎзМТДП дастурий ҳужжатларидан ўрин олган маҳалланинг ҳудудий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишдаги ролини кучайтириш, маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш, мамлакатимиз пойтахти, вилоятлар, шаҳар ва қишлоқларни ўзаро уйғун ривожлантириш, идораларо ва идора мажмуаларининг ахборот тизимларини бирлаштирувчи миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш каби ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

2-бет

Партия лойиҳаси — амалда

ЁШЛАР УЧУН "ХИЗМАТ — БЕМИННАТ"

ПАРТИЯ КЎМАГИДА УЮШМАГАН 908 ЙИГИТ-ҚИЗ БЕПУЛ ТАЪЛИМ ОЛДИ, КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИЛДИ

Ёшларнинг билими ва дунёқарашини замон билан ҳамнафас ривожлантириб боришни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида республика миқёсида ташкил этган ўқув курсларида маҳаллалардаги уюшмаган ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, қўшимча билим бериш, бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишига беминнат кўмаклашилмоқда.

Пойтахтимиздаги "Шоҳидлар хотираси" хиёбонида бўлиб ўтган мазкур тадбирда партия Марказий кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши аъзолари, Ал-Хоразмий номидаги Тошкет ахборот технологиялари университети вакиллари, кўнгилли ўқитувчилар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Яқинда мазкур ўқув курсларда таълим берган бир гурух фаол ўқитувчилар партиянинг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида ташкил этилган "Компьютер сабоқлари" ўқув-курсида уч ой давомида бепул таълим олган битирувчиларга махсус сертификатлар топширилди.

3-бет

Ушбу сонда:

ДИЛНОЗА — ГРАН-ПРИ СОҲИБИ 6-бет

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР НАМОЙИШИ

ЎЗБЕК ОШПАЗЛАРИ 7 МИНГ 360 КИЛОГРАММЛИК ПАЛОВ ТАЙЁРЛАБ, ЖАҲОН РЕКОРДИНИ ЎРНАТДИ

8-бет

«Milliy tiklanish» газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

"MILLIY TIKLANISH"

— мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
38 (470) 2017 йил 13 сентябрь, чоршанба

Депутат фикри

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджети тасдиқланган параметрларга мувофиқ амалга оширилди. Инфляция даражаси эса белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмаган.

Мамлакатда барқарор ва замонавий ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги ҳамда изчил ривожлантирилаётганлиги, экспорт ҳажми ҳамда аҳоли харид қобилиятининг тобора ортаётгани ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишини таъминламоқда. Айниқса, ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларига уйғун тарзда иқтисодиётни диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришга энг замонавий, илғор технологияларни жорий этиш орқали уни модернизациялаш жаҳон майдонида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шерзод ҚУЛМАТОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши саноатни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш имконини берди. Ҳисобот даврида ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилиб, янги қувватлар ишга туширилди, замонавий саноат корхоналари барпо этилмоқда. Хусусан, 13 минг 339 лойиҳа амалга оширилди, 2,1 триллион сўмлик кредитлар ўзлаштирилди, 10 та эркин иқтисодий зона, 5 та кичик саноат зонаси ташкил этилди, "Peugeot" ва "Citroën" бренди билан енгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқариш бўйича корхона барпо этилмоқда. Бу партиянинг иқтисодий соҳадаги мамлакатимиз ҳудудларини ўзаро уйғун ривожлантириш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини мустаҳкамлаш каби вазифаларига тўла мос келади.

Абдурашид ТЎХТАБОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Давлат бюджети маблағларини тўғри ва мақсадли йўналтириш, ундан оқилона фойдаланиш мамлакатимиз ривожи, халқимиз фаровонлигини таъминлашда ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади. Ҳисоботда қайд этилганидек, бу борада бюджет муассасаларида давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш аҳволи юзасидан 6 минг 620 назорат-тафтиш ишлари ўтказилган, уларда қатор хато-камчиликлар аниқланган. Тўғри, бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланишининг олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирлар кўрилган, аммо шу билан бирга, Давлат бюджети маблағларининг мақсадлилигини таъминлаш учун мутасадди вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш лозим. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчи ташкилотларда молиявий интизомга риоя этилишини тўла таъминлаш зарур.

Бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг қоида ва меъёрлари бажарилишига вазирлик, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар эътиборини ва бу борада парламент назоратини янада кучайтириш лозим. Биз депутатлар парламентнинг назорат функцияларидан фойдаланган ҳолда Давлат бюджети самарадорлигини таъминлашда фаол иштирок этишимиз зарур.

Сиддиқ НАМОЗОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Тақдим этилган ҳисоботда жорий йилнинг олти ойи давомида маҳаллий бюджетлар даромад базасини кенгайтириш, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш ва маҳаллий бюджетлар харажатларини республика бюджетига ўтказиш юзасидан қатор чора-тадбирлар кўрилгани қайд этилди. Бунинг натижасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент вилоятининг 7 туманини тўлиқ, шунингдек, мамлакатимизнинг 27 туман (шаҳар)ларини субвенциядан чиқаришга эришилган. Фракциямиз партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан мавжуд имкониятлар ҳамда резервлардан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайди.

Иноят ҲОЖИЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Фракциямиз жорий ярим йиллик Давлат бюджети ижросини муҳокама қилиш асосида экспортни диверсификация қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни тизимли давом эттириш зарур, деб ҳисоблайди. Бу ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган экспорт қилувчи корхоналарни, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби мақсад-вазифаларимиз ижросида, шунингдек, электоратимиз манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари, жойларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини таъминлаш ва тақдим этилган имтиёз ва преференциялардан самарали фойдаланиш лозим. Йиғилишда фракция аъзолари кўрилган масала юзасидан ўз муносабатини билдирди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Қарорга мувофиқ, мактабгача таълим тизимига жиддий ўзгаришлар, янги ёндашувлар киритилаётир. Жумладан, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ва республиканинг вилоят марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида янги мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш белгиланган.

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДАН БОШЛАНАДИ

Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этилаётган мактабгача таълим муассасалари истиқболда ўзини оқлаши табиий. Бунинг натижасида, биринчидан, мактабгача таълим муассасалари сони ортади. Иккинчидан, инвесторлар ота-оналарнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда замонавий типдаги муассасалар қуриш ва фойдаланишни йўлга қўяди. Ушбу мақсадларда инвесторларга ер участкалари ажратилади, бўш турган бинолар 50 йил муддатга беғараз берилади.

Қарорда инвесторлар келишув амал қилишининг бутун муддати давомида фаолият йўналишини ўзгартирмаслиги мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Аҳоли учун муҳим ҳисобланган мактабгача таълим хизматини кўрсатиш нархининг мақбуллиги ва арзонлигини таъминлаш масаласига ҳам қарорда алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу мақсадда инвесторларга кенг солиқ имтиёзлари ва бошқа преференциялар, имтиёзли кредитлар тақдим этилиши назарда тутилган.

Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасаларига эксперимент тариқасида тадбиркорлик субъектлари билан озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни етказиб бериш тўғрисида тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилаётгани бу борадаги мавжуд қийинчилик ва муаммоларга ечим топишга имкон яратади.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати — мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия ташкил этилишидир. Унинг зиммасига соҳа қонунчилигини такомиллаштириб бориш, давлат сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда комплекс ўрганиш вазифаси юклатилаётир. Бунда зарур инфратузилмани яратиш, айниқса, мактабгача таълимнинг хусусий секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши белгилаб қўйилмоқда. Бу, ўз навбатида, мазкур соҳага ҳам бозор иқтисодиёти муносабатлари кириб келиши ва ривожланишига хизмат қилади.

Қарорда нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, улар фаолиятини лицензиялаш тартиб-тамойилларини соддалаштириш, ташкилий-ҳуқуқий шаклларини такомиллаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор ижроси мамлакатда мактабгача таълим тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади. Мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини замон талабларига уйғун тарзда ташкил этишга кенг шароит яратади.

ЎзМТДП аъзолари ҳам партия дастурий мақсад-вазифалари ижросида муҳим аҳамият касб этувчи ушбу қарорнинг аҳамияти ниҳоятда муҳимлигини эътиборга олиб, ваколат доирасида унинг ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаши, ўрганишлар олиб бориши, парламент эшитуви ва депутатлик сўровларини амалга ошириши талаб этилади.

Ўрол ҲАИТОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

* * *

Ҳар бир мамлакатнинг бугуни ва келажаги қандай бўлиши кўп жиҳатдан ёшларнинг қай даражада таълим-тарбия олаётгани билан белгиланади. Зеро, Ватан тараққиёти, миллий истиқболи шу заминда вояга етаётган ўғил-қизларнинг камоли билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёвнинг "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори узлуксиз таълим тизимининг илк бўғини — мактабгача таълим ҳамда бутун таълим-тарбия тизимининг асосий мақсади бўлган — баркамол авлодни тарбиялашга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Қарорда мактабгача таълимни бошқаришнинг бугунги ҳолати, тизимдаги мавжуд муаммоларни ва камчиликларни тизимли бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилган. Қарорда юқорида келтирилган муаммолар рўй рост келтирилган. Мазкур ҳужжатнинг муҳимлиги шундаки, унда юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этишнинг тизимли механизмлари яратилган.

Ушбу қарорни тайёрлаш жараёнида жамият тараққиётининг барча аспекти чуқур ўрганилган. Дарҳақиқат, мамлакат аҳолиси сонининг ўсиши айрим мактабгача таълим муассаларида ҳаддан ташқари бандликни юзага чиқараётгани ҳам бор гап. Шу боис қарорга мувофиқ кўрсатилган давлат-хусусий шериклик шартларида янги мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш белгиланди. Айтиш жоиз, жойлардаги сайловчилар билан учрашувлар, ўрганишлар жараёнида бўш турган биноларни олиб, мактабгача таълим муассасаларини очиш ниятини билдирган фуқаролар, тадбиркорлар талай эканига гувоҳ бўлганмиз. Қарорда ушбу ниятда юрган тадбиркорларга ер участкалари, бўш турган бинолар ҳамда фаолият юритмаётган, тарбияланувчилар сони кам бўлган мактабгача таълим муассасаларини беғараз ажратиш кўзда тутилиши, айтиш жоиз, айни муддао бўлди.

Вилоят марказларидан фарқли ўлароқ, олис, инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудлардаги ҳолат, эҳтиёж ва талаб турли хил бўлиши, шубҳасиз. Қарорда олис туманлар учун ҳам солиқ имтиёзлари ва имтиёзли кредитлар тақдим этиш назарда тутилганлиги эътиборга лойиқ. Демак, мактабгача таълим муассасалари тизимида ҳам хусусий сектор янада ривожланади, уларнинг маблағлари ҳисобига янги мактабгача таълим муассалари бунёд этилади.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: бундай ҳолатда хусусий мактабгача таълим муассалари хизмати учун тўланадиган ҳақ юқори бўлиб кетмайдими? Қарорда мактабгача таълим муассасалари хизмати нархининг ижтимоий ҳаммабоплигини таъминлаш назарда тутилган. Мактабгача таълим тизимидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, тизимни ҳам замонавий, ҳам ижтимоий-ҳаммабоп муассасага айлантириш ушбу ҳужжатнинг асосий мақсад-муддаоси саналади.

Қарор ижросининг тўлиқ таъминланиши, ўз навбатида, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишга кўмаклашиш вазифасининг амалга ошишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Феруза ИБРАГИМОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Фракция позицияси

МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР КОНЦЕПЦИЯСИ

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧАДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Мазкур Концепцияда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш каби муҳим масалалар асосий мақсад этиб белгиланди.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларининг тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлай оладиган, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муаммоларни ўз вақтида аниқлайдиган, самарали ҳал қиладиган давлат бошқаруви тизими ушбу мақсадларга эришишнинг муҳим шарти саналади.

Йиғилишда фракция аъзолари қайд этиб ўтганидек, Концепцияда белгиланган вазифалар маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Ҳаракатлар стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш ва аҳоли мурожаатларини ҳал этишда уларга тўсқинлик қилаётган жиддий камчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Маъмурий ислоҳотларни самарали амалга оширишнинг пировард натижасида "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғоя ҳаётга тўлиқ татбиқ этилади. Бир сўз билан айтганда, Концепция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда муҳим қадам ҳисобланиб, моҳиятига кўра, мамлакатимизнинг давлат ва жамият қурилишида янги саҳифани очиб беради.

Шунингдек, йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги депутатлар бирлашмаларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларнинг амалга оширилиши устидан парламент ва депутатлар назоратини олиб бориш бўйича асосий йўналишлар тўғрисида"**ги қарори ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ва дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётга самарали татбиқ этишга кўмаклашиш, шу билан бирга, бу соҳада парламент ва депутатлик назоратини самарали амалга ошириш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида сиёсий партияларнинг фракциялари партия позициясидан келиб чиқиб, асосий йўналишларни белгилаб олдилар. Хусусан, ЎзМТДП фракциясига тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш, тиббиёт муассасаларида акушер-гинеколог шифокорлар учун ажратилган штат меъёрларини ўрганиш ва уларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлаш вазифалари юклатилган. Шунингдек, давлат соғлиқни сақлаш тизимида янги қурилган объектларга (биноларга) муҳандис ва техник ходимлар штатларини киритиш масаласини ўрганиб чиқиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларининг амалга оширилишини назорат қилиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш, тиббиёт соҳасида раҳбар кадрларни ротация қилиш, уларга тегишли ҳудуддан уй-жой ажратиш ҳамда оиласига яшаш учун зарур шароитлар яратиш масалаларини ўрганиш ва ушбу йўналишдаги ишларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари белгилаб берилган.

Йиғилишда фракция аъзоларининг юқорида белгилаб олинган вазифаларни изчил ва самарали бажариш, ҳар бир йўналиш бўйича жойларга чиққанда парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш мақсадида саволнома тайёрлаш бўйича берган таклифи қўллаб-қувватланди.

Йиғилиш якунида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан ЎзМТДП фракциясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Илҳом АБДУЛЛАЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Фракция йиғилишида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган долзарб масалалар муҳокама қилинди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони ва унинг асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси амалга оширилаётган ислоҳотлар марказида халқ бошқаруви тургани, давлат идоралари халққа хизмат қилиши лозим, деган ғоя илгари сурилгани билан аҳамиятли. Бу ҳаётий ҳужжатда давлат бошқарувининг самарали усуллари акс этган бўлиб, унинг ҳар бир бандида фуқаролик жамиятида, энг аввало, инсон омили устувор бўлиши, аҳоли яхши ҳаёт кечиришига қаратилган ташаббуслар илгари сурилган. Концепциянинг ҳар бир йўналишида белгиланган вазифалар партиямиз дастурий мақсад-вазифалари билан уйғунлиги унинг ҳаётга татбиқ этилишида ЎзМТДП позициясидан келиб чиққан ҳолда фаол ҳаракат қилишимиз лозимлигини тақозо этади.

Азамат ПАРДАЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Президентимизнинг мамлакатимиз ҳаётида долзарб аҳамият касб этувчи ушбу Фармони давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш ва модернизация қилишда пойдевор вазифасини ўтайди. Бу ҳужжат кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида давлат бошқарувининг янги ва самарали фаолият юритувчи тизимини яратишга хизмат қилади. Унда маъмурий ислоҳотларни амалга оширишнинг аниқ йўли — механизмлари кўрсатиб берилган. Фракция аъзолари партиямиз позициясидан келиб чиққан ҳолда Концепцияда белгиланган ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш борасидаги амалиётни янги босқичга олиб чиқиш, ушбу жараёнларга фуқаролик жамияти институтларини кенг миқёсда жалб этиш, уларнинг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шаклларини жорий қилиш орқали аҳолини ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган муҳим вазифаларни амалга оширишда ўз ваколатларидан самарали фойдаланишлари лозимлигини таъкидладилар.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ҳамкорлик

ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛИШУВ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Маданият вазирлиги билан ҳамкорлик меморандуми имзоланиши натижасида соҳадаги ишларни юқори босқичга кўтариш, миллий маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш, кўпайтириш, санъат ва бадиий ижодни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтиришни рағбатлантириш, уни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш борасида тизимли чора-тадбирларни, бир сўз билан айтганда, муштарак мақсад-вазифаларни биргаликда амалга ошириш имконияти юзага келади. Вазирликнинг ҳудудий бўлимлари ва манфаатдор ташкилотлари билан биргаликда санъат асарларида ёшларга маънавий ибрат бўлиб хизмат қила оладиган, ёш авлодни миллий ғоя, жасорат ва матонат руҳида тарбиялашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаол замондошларимиз образларини яратиш борасидаги фаолиятни кучайтириш мақсад қилинмоқда. Вазирлик ҳамда партия ўртасида самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, вазирлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, жойларда партиянинг дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, тизимдаги ташкилотлар фаолияти устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда самарали ҳамкорлик қилиш кўзда тутилмоқда.

Вазирлик ва партиянинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти давомида, энг аввало, "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, хусусан, музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш, кўзи ожизлар учун мўлжалланган кутубхонанинг моддий-техник базасини кучайтириш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

ЎзМТДП ҳамда Маданият вазирлиги ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ҳам ишлаб чиқилди. Унда ўзаро ҳамкорликда соҳани ривожлантиришга оид қатор мақсад-вазифалар белгиланган.

Зумрад БЕКАТОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— ЎзМТДП ва Маданият вазирлиги ўртасида имзоланган меморандум партиямизнинг маданият, санъат соҳасини ривожлантиришга, моддий ва номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва кўпайтиришга кўмаклашиш сингари дастурий вазифалари ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, ЎзМТДП фракцияси ҳамда Маданият вазирлиги биргаликда "Маданият тўғрисида"ги, "Театр ва театр фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, жойларда "Музейлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижросини ўрганиш, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг ижроси юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда эшитувларни ташкил этиш каби қатор муҳим ва ҳаётий вазифалар белгилаб олинди. Ушбу мақсад-вазифаларни амалга ошириш, ўз навбатида, партиямизнинг депутатлик корпуси вакилларидан янада фаол ва ташаббускор бўлишни талаб этади.

* * *

Туризм — бугун жаҳон иқтисодиётининг энг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири, истиқболли соҳа. Туризмнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 10 фоиздан кўпроқни ташкил этиб, бу йўналишда жаҳондаги меҳнатга қобилиятли аҳолининг 8 фоизга яқини иш билан банд, туризм хизматлари жаҳон экспортининг 7 фоиздан кўпроғини ташкил этади.

Энг қадимги тамаддун ва маданиятлар ўчоғи ҳисобланган, тарихий аҳамияти ва жозибадорлиги билан дунё сайёҳлари эътиборини тортаётган Ўзбекистон улкан туризм салоҳиятига эга. Мамлакатимиздаги 7 мингдан зиёд нодир тарихий ёдгорликлар ва улуғвор ҳамда бетакрор архитектура намуналари сайёҳларнинг юртимиз тарихи ва бугуни ҳақидаги қизиқишларига сабаб бўлаётган бўлса, сўлим қўриқхоналар, миллий боғлар, уларнинг бой ва ранг-баранг табиати дунё эътиборини тортмоқда. Миллий маданият, санъат ва ҳунармандчиликнинг кўп асрлик анъаналари, миллий таомларимиз, пазандачилик соҳасидаги анъаналаримиз Шарқ меҳмондўстлигининг рамзи сифатида эътироф қозонаётир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Партия мамлакатимизнинг халқаро ижобий имижини шакллантиришда туризмни самарали восита деб ҳисоблайди, бу бойликнинг жаҳон демократик ҳамжамияти умумбашарият тарихий мероснинг ажралмас бир қисми сифатида тан олиши йўлида кенг қамровли саъй-ҳаракатларни амалга оширишга киришган.

ЎзМТДП нуқтаи назарича, туризм иқтисодиётнинг янада ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутади, қўшимча иш ўринлари яратилишига, иқтисодий фаол аҳолининг бандлигини оширишга, миллат фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган қатор тармоқлари, инфратузилманинг ривожланишига туртки бўлиб, янада оммавийлашади. Туризм айни пайтда маърифат ва фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини шакллантиришда кучли восита ҳамдир.

Шу боис партия туризмни ривожлантириш бўйича қатор ҳаётий ва самарали лойиҳа ҳамда ғояларни илгари сурмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ўртасида ҳамкорлик меморандумининг имзоланиши ҳам бу йўлдаги амалий қадамдир. Ҳамкорлик доирасида Ўзбекистоннинг замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаган ҳолда томонлар ўртасида конструктив ва ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга келишиб олинди.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ҳамда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан парламент ва депутатлик назоратини амалга ошириш, жойларда соҳани такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида тузилган ушбу ҳамкорлик қатор йўналишдаги чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади. Жумладан, ҳамкорлик меморандумида сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланишини, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт, меҳмонхона ва сайёҳлик логистикаси билан боғлик хизматларнинг қулайлигини, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш, хорижлик меҳмонлар учун мамлакатимизнинг халқаро нуфузини, мафтункорлигини оширишда асосий омил бўлган туристик фаолият манзилларида, халқаро аэропортларда, вокзалларда кўрсатилаётган сервис ва хизматлар сифатини яхшилаш назарда тутилган. Туризм саноатига йўналтириладиган инвестициялар оқимини янада рағбатлантириш чора-тадбирларини кўриш, жумладан, хусусий капитал ва бизнесга имтиёз ва преференциялар бериш, замонавий менежмент, ватандошларимиз ва хорижий туристларга Ўзбекистоннинг ўтмиши ва ҳозирги куни тўғрисида ишончли ахборотни етказиш қўникмаларига эга бўлган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг миллий тизими самарадорлигини ошириш, алоҳида қўриқланадиган ноёб табиий ҳудудларни келиб кўриш тартибини кўзда тутадиган туризмнинг фаол турларини, хусусан, экотуризмни ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш ҳамкорликнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Илҳом РАСУЛОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим мудири:

— Икки ташкилот ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми мамлакатимизда туризм индустрияси ривожига хизмат қилиши, шубҳасиз. Меморандумда томонлар келгусида муваффақиятли ҳамкорлик учун зарур бўлган ўзаро манфаатли ахборотларни алмашиш, ҳамкорликда мамлакатимизда туризмни ривожлантириш бўйича республика ва халқаро миқёсдаги конференция, семинар-тренинг, давра суҳбати, кўргазма ва бошқа тадбирларни ташкил этиш, ахборот ва тажриба алмашиш мақсадида ўзаро экспертларни юбориш, жумладан, илмий конференция, семинар, симпозиум ва курсларда иштирок этиш, биргаликда нашрларни тайёрлаш ва чоп этиш борасида ўзаро келишиб олинди. Бу вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ҳам юртимизда туризм соҳаси истиқболига хизмат қилади, ҳам ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Партия лойиҳаси — амалда

ЁШЛАР УЧУН "ХИЗМАТ — БЕМИННАТ"

ПАРТИЯ КЎМАГИДА УЮШМАГАН 908 ЙИГИТ-ҚИЗ БЕПУЛ ТАЪЛИМ ОЛДИ, КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИЛДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

— Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашида таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, айниқса, уюшмаган ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, уларни замонавий илм-фан, маданият, техника ва технология ютуқлари билан мунтазам таништириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Партиямизнинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда, — деди партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов. — Қисқа фурсатда лойиҳа доирасида республикамиз бўйлаб 374 бепул ўқув курси ташкил этилиб, уларда 2 минг 600 йигит-қиз таҳсил олмоқда. Уларнинг 908 нафари уюшмаган, 631 нафари фанлардан ўзлаштириши паст бўлган ёшлар бўлса, 1 минг 66 нафари кам таъминланган оила фарзандларидир. Кундан кунга лойиҳа иштирокчилари сони ортиб бормоқда. Лойиҳа доирасида хорижий тиллар, кимё, физика, математика, ахборот технологиялари, спорт, мусиқа, тасвирий ва амалий санъат каби йўналишларда таҳсил олган 25 нафар ўқувчи бу йил турли олий таълим муассасалари талабаси бўлишди. Улар орасида давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган ёшлар ҳам бор.

Бугунги таълим жараёнини ахборот коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Тадбирда Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети проректори Файзулла Агзамов ушбу лойиҳа доирасида университет қошида очилган ўқув-курси ёшларнинг ахборот технологиялари борасидаги билим ва кўникмаларини шакллантириш, уларнинг замонавий дастурлар билан ишлаш бўйича малакасини бойитишда алоҳида аҳамият касб этётганини таъкидлади. Ўқув курсида ўқувчиларга Интернетдан тўғри фойдаланиш борасида амалий машғулотлар ҳам ўтказилгани навқирон авлод вакилларининг нотўғри ахборот исканжасига тушиб қолиш, ижтимоий тармоқларга муккасидан кетишнинг олдини олиш, ёшларда тўғри ахборот олиш маданиятини шакллантиришда кўмакчи бўлди.

Тадбир доирасида "Хизмат — беминнат" ўқув курсларида таълим берган фаол ўқитувчилар партиянинг эсдалик совғалари билан тақдирланди, ёшларга махсус сертификатлар топширилди.

Сардор ЎСАРОВ,
Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси:

— Ёшлар тарбияси — жуда масъулиятли вазифа. Шу боис ўқувчилар билан ишлашда уларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилдик. Натижада, ЎзМТДП ташаббуси билан Жиззах вилоятида йўлга қўйилган "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасидаги ўқув-курси ўқувчиларининг 7 нафари бугун олий ўқув юрти талабаси бўлди. Хусусан, ўзим таълим берган 10 ўқувчидан 3 нафари талабалик бахтига эришди: Шоҳруҳ Жуманов Жиззах давлат педагогика институти физика-математика факультетининг информатика йўналишига давлат гранти, Афросиёб Абдуғаниев тўлов-шартнома асосида Тошкент ахборот технологиялари университети дастурий инжиниринг факультетига, Воҳид Каримов Жиззах политехника институти бино ва иншоотлар қурилиши факультетига ўқишга қабул қилинди. Уюшмаган ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган ушбу лойиҳа доирасида келгусида бундан-да яхши натижаларга эришишга ҳаракат қиламиз.

Лайло АҲМЕДОВА,
Юнусобод туманидаги "Беғубор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Бугунги глобаллашув замонида фарзандларимиз ким билан дўстлашаётгани, кун бўйи нима билан машғуллиги, унда қандай ўзгаришлар кузатилаётганини доим назорат қилиб боришимиз лозим. Айниқса, уюшмаган ёшлар, улар билан ишлаш ҳаммамиздан алоҳида эътиборни талаб этади. ЎзМТДПнинг ушбу лойиҳаси айни шу мақсадга, яъни ёш авлод вакилларининг бўш вақтини самарали ўтказиш, билим ва кўникмаларини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Университетда ташкил этилган ўқув-курсида асосан бизнинг маҳалламиздаги уюшмаган ёшлар қамраб олинди. Мана бугун ўқув-курсини тамомлаган бир қанча маҳалламиз ўғил-қизлари компьютер сабоқларини ўзлаштириб, махсус сертификатга эга бўлди, ёзги таътилни мазмунли ўтказди. Ўқув-курслари лойиҳасини ташкил этгани учун Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолларига, университет устоз-талабаларига барча ота-оналар номидан ташаккур айтмоқчиман.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Сайлов — демократия кўзгуси

БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАР УЧУН ҚАЙТА САЙЛОВ

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИ ЯНА БИР БОР СИНОВДАН ЎТКАЗМОҚДА

Бугун мамлакатимизда демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, фуқаролар сайлов ҳуқуқининг кафолатларини янада такомиллаштиришга қаратилган чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, унинг мустаҳкам қонунчилик асослари яратилган. Амалдаги сайлов қонунчилигида сайловнинг барча халқаро мезони ўз ифодасини топган. Конституциямиз ва миллий сайлов қонунчилигимизда сайлов халқ хоҳиш-иродасини тўғридан-тўғри рўёбга чиқаришнинг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этиш ва бошқаришнинг негизи экани белгиланган.

"Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари сайловларнинг очиқ ва ошкора ўтишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу кунларда ҳудудларда бўшаб қолган депутатлик ўринлари учун қайта сайлов бўлиб ўтмоқда. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонун асосида ўтказилаётган сайловлар очиқ, ошкора, транспарентлик руҳида ва фуқаролар фаоллиги остида ўтмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда бўлиб ўтган қайта сайлов сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобатнинг амалдаги ифодаси бўлди, дейиш мумкин.

— Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳамда сиёсий партияларнинг вазифа ва ваколатларини янада кенгайтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи Дилбар Рашидова. — Президентимиз Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлган видеоселектор йиғилишида сиёсий партиялар фаолиятига холис баҳо бериб, "ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади", деган фикрлари фаолиятимизга танқидий назар билан қарашга, ишимизни замон талаблари асосида изчил ривожлантириб боришга туртки бўлди. Жойларда партия ташкилотлари билан бир қаторда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг фаолияти, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги аниқ ташаббуслари чуқур ўрганилмоқда. Шу кунларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда давом этаётган бўшаб қолган депутатлик ўринлари учун қайта сайловларга партиямиздан номзод кўрсатишда ҳам мана шу мезонга таянилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бўлиб ўтган сайловда ЎзМТДП нисбатан кўп депутатлик ўрнини эгаллади. Бу ҳудудларда бошқа партиялардан бўшаган депутатлик ўрнини ЎзМТДП номзодлари эгаллашга муваффақ бўлди. Аммо, бу имкониятдан тўлиқ фойдалана олмаган партия ташкилотларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашида ЎзМТДПдан бўшаган депутатлик ўрнини бошқа партия номзодлари эгаллади. Демак, бу ҳудудда аҳоли ўртасида партия ғояларини янада кенгроқ тарғиб қилиш ҳамда депутатлар халқ билан мулоқат жараёнини янада кенгайтириши лозим. Бу эса аҳолида ЎзМТДП ғоялари ҳамда ундан сайланган депутатларга ишончни оширишга хизмат қилади.

Шоҳида МИРЗАЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
38 (470) 2017 йил 13 сентябрь, чоршанба

Ташаббус натижа берди

БИЗ ЭРТА ТУРМУШГА ҚАРШИМИЗ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА УШБУ МАСАЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

— Оила — ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, — деди сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Баҳром Мамажонов. — Халқимиз бахтли оилавий ҳаётни ўзаро ишонч, муҳаббат асосида қурилган муваффақиятли никоҳда кўради. Партия гуруҳимиз ташаббуси билан айни шу масалани сессияга олиб чиқишдан мақсад ана шу ҳаётий ҳақиқатни юртдошларимизга яна бир бор эслатиш, ҳудудда оила институтини ривожлантириш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар, муаммоларга барҳам беришдан иборат. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижросини таъминлаш бугун ниҳоятда долзарб масалага айланган. Чунки айрим ҳолларда никоҳдан олдинги тиббий кўриклар номига ўтказилаётганидан, баъзи ёшлар буни таниш-билиш орқали ҳал этаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Бу муаммоларга қарши курашиш нафақат партия ташкилоти ёки депутатлар, балки бутун жамият, кенг жамоатчиликнинг ҳам вазифасидир.

Сессияда вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси мазкур қарор ижроси доирасида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисобот тақдим этди. Унда айтилишича, вилоятда оила, маҳалла, таълим муассасаларида ёшлар, айниқса, қизлар тарбияси ва улар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш борасида хотин-қизлар қўмитаси давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда 2017 йилнинг 6 ойи давомида қатор тушунтириш-тарғибот ишлари, учрашув, давра суҳбатлари ҳамда семинарлар ташкил этган. Жумладан, 2016/2017 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича 7 минг 175 нафар қиз билан корхона ва ташкилотлар ўртасида тўрт томонлама шартномалар тузилди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган 1 минг 298 битирувчига 17 минг 614 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Бироқ бу билан ёшлар, хусусан, қизларнинг муаммолари бутунлай барҳам топди, дейиш мушкул. Бунинг учун уларнинг орасига чуқурроқ кириб бориш, ўй-ташвишлари билан қизиқиш, орзу-умидлари рўёби учун жонкуярлик билан ҳаракат қилиш талаб этилади.

Бундан ташқари, вилоятда маҳаллий ҳокимликлар, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, Ёшлар иттифоқи вилоят бўлими, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ҳуқуқ-тартибот идоралари иштирокида умумтаълим мактабларида ўқувчи қизлар ва уларнинг оналари иштирокида "Қиз боланинг касби — унинг бахти" мавзусида мунтазам давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Шу билан бирга, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ота-оналар ўртасида қизларнинг касб танлашига кўмаклашиш, уларнинг эрта турмушга чиқишининг олдини олиш бўйича тарғибот ишлари олиб боришда кенг жамоатчиликни жалб қилиш мақсадида "Оналар йиғилиши" ўтказиб келинмоқда. Уларда ҳалол меҳнати, ибратли оиласи билан эл-юрт ўртасида обрў қозонган ота-оналар қиз боланинг оила ва жамиятда муносиб ўрин топиши, орзу ва мақсадларини рўёбга чиқариш омиллари ҳақидаги тажрибаларини сўзлаб бермоқда.

Эрта никоҳнинг олдини олиш ва қизларни касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида вилоят, туман ҳокимликлари хотин-қизлар қўмиталари ҳузурида, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳуқуқ-тартибот органлари иштирокида алоҳида комиссиялар тузилган бўлиб, ушбу соҳадаги тарғибот ишлари кучайтирилмоқда. Таълим муассасаларида ўтказилаётган ўқув-семинар, учрашув ва суҳбатларда ФҲДЁ бўлимлари мудиралари, тиббиёт ходимлари, диний идоралар ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан ёшларга мамлакатимизда оила ва никоҳ муносабатларининг қонуний асослари, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, оиладаги соғлом турмуш тарзи ҳақида кенг билим ва тушунчалар бериб келинмоқда.

Кун тартибидаги масала сессия йиғилишида қизғин муҳокама қилинди. Ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, айниқса, уларнинг оила қуришларига жиддий эътибор қаратиш барчадан катта масъулият талаб этади. Бугун қариндошлар ўртасида никоҳ, қизларни эрта узатиш ҳолатлари оилавий ажримларнинг кўпайишига сабаб бўлаётгани, бунинг олдини олиш учун ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан сессия қарори қабул қилинди. Унга кўра, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, профилактика инспекторлари, посбонлар ва маҳалла оқсоқоллари зиммасига хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, маслаҳатчилари, шифокорлар иштирокида эрта никоҳнинг олдини олиш борасидаги тадбирларни кенг кўламли равишда амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорининг бажарилишини таъминлаш юзасидан вилоят хотин-қизлар қўмитаси ФҲДЁ органлари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмалари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда мунтазам тарғибот тадбирлари олиб бориш, уйма-уй юриб, ноқонуний равишда бошқа давлатларга кетган ёшларнинг маълумотлар базасини яратиш ҳамда уларни юртимизга қайтариш чора-тадбирларини кўриш лозимлиги белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур масаланинг сессия йиғилишида муҳокама этилиши ва қабул қилинган қарор ижроси юртимизда никоҳ муносабатларини мустаҳкамлаш, оилавий ҳаётда рўй берадиган салбий ҳодисаларнинг олдини олиш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, оилани муқаддас билиб, уни асраш, келажак учун қайғуриш барчамизнинг муҳим вазифамиздир.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат сўрови — халқ сўрови

МУРОЖААТЛАР ИЖОБАТИ

ДЕПУТАТГА ИШОНЧНИНГ БИРЛАМЧИ ШАРТИ

Депутат фақат амалий ишлари, одамларнинг дарду ташвишларини ижобий ҳал этиши билан сайловчи ишончини қозониши ва оқлаши мумкин. Бинобарин, ҳар бир муаммо ва масалага оддий одамлар кўзи билан қараш, сайловчилар назари ила уларга ечим топиш нақадар муҳим эканлигини юракдан ҳис қилиш, жон қойитиш лозим. Бунда улар учун депутатлик сўрови институти муҳим восита вазифасини ўтайди.

Депутатлик сўрови ваколатидан самарали фойдаланиш, ўз навбатида, аҳолини қийнаётган муаммоларга ечим топиш, ҳудудлардаги турли масалаларга мутасадди вакиллар эътиборини қаратиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш имконини беради.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутатлар ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар, фуқароларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишда депутат сўрови имкониятларидан самарали фойдаланишга интилмоқда. 2017 йилнинг ўтган саккиз ойи давомида депутатларимиз турли масалаларга оид 309 та депутатлик сўровини амалга оширган. Шундан 71 таси қонун, қарор ва фармонлар ижроси юзасидан бўлса, қолган 238 таси фуқаролар мурожаатлари асосида амалга оширилган. Уларнинг аксарияти ўз вақтида тегишли масъуллар билан биргаликда ҳал қилинган.

Масалан, Булунғур туманидан бир гуруҳ фуқаро халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Фарид Бурҳоновга аҳолининг суюлтирилган газ балонлари билан таъминланиш ҳажмини янада ошириш борасида мурожаат қилди. Депутат ушбу масалада вилоят "Марказгазтаъминот" унитар корхонаси бошлиғига депутатлик сўрови юборди. Натижада тумандаги 55 та маҳаллага тарқатилаётган газ балонлари миқдори 30 фоизга кўпайтирилди.

Ургут тумани "Қайроқли" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг ҳудуддаги йўлларни таъмирлаш масаласидаги мурожаати ҳам депутат эътиборидан четда қолмади. У ушбу масалада Ургут туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси бошлиғига депутатлик сўрови юборди. Сўровга қайтарилган жавоб хатида ушбу йўлларни таъмирлаш ишлари 2018 йилги ҳудудни ривожлантириш дастурига киритилгани маълум қилинган.

Самарқанд шаҳри Ҳадича Сулайманова маҳалласидаги трансформаторлар эскириб қолганлиги сабабли электр энергияси таъминотида тез-тез узилишлар юзага келар эди, ҳатто ҳудудда ҳафталаб электр энергияси бўлмасди. Бу муаммони ҳал этиш учун эса янги трансформатор ўрнатиш зарур. Маҳалла аҳолисининг ушбу масалада халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Баҳора Ахатовага мурожаати депутатнинг вилоят электр тармоқлари бошқармаси бошлиғига юборган депутатлик сўрови воситасида ижобий ҳал этилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари "Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Самарқанд шаҳридаги ижросини ўрганиб, ҳудуд тозалиги талаб даражасида эмаслиги, мавжуд чиқиндихонани белгиланган тартибда ташкил этиш зарурияти борлигини аниқлади. Партия гуруҳи аъзоси Лола Ҳайдарова ушбу масала бўйича амалий чоралар кўришини сўраб, Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармасига депутатлик сўрови юборди. Натижада муаммо ижобий ҳал қилиниб, ҳудудда тозалик ишлари олиб борилди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўла таъминланган кўчалар турли кўнгилсизликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Халқ депутатлари Булунғур туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Ҳолбой Қосимов туман маркази йўлларида йўл ҳаракати билан боғлиқ тартибсизликларнинг олдини олиш мақсадида кўчаларга светофор ўрнатиш ва носозларини қайта таъмирлаш зарурлигини ўрганди. Ушбу масалада туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмасига депутатлик сўрови юборди. Натижада туман марказидаги Ўзбекистон кўчасига пиёдалар йўлакчаси белгиси ўрнатилиб, йўл ҳаракатидаги тартибсизликлар бартараф этилди.

Бундай мисолларни яна кўп келтириш мумкин. Кўриниб турибдики, жойларда депутатларимиз саъй-ҳаракати билан аҳоли турмуш фаровонлиги, ҳудудлар ободлиги билан боғлиқ қатор масала ва муаммолар ўз ечимини топмоқда. Депутатларимиз бу борадаги фаолиятини янада кучайтириши, давр билан ҳамнафас, ҳамқадам иш олиб бориши бугунги кун талабидир.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мансабдор шахс — ҳисобдор

ОРОЛБЎЙИНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ

ЮЗАСИДАН ЎЗМТДПНИНГ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСДАГИ ФРАКЦИЯСИ СЕССИЯГА МАСАЛА КИРИТИШ БЎЙИЧА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва партиянинг Жўқорғи Кенгесдаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Жўқорғи Кенгес ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши аъзолари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси, Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш инспекцияси ходимлари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 июль куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва Жўқорғи Кенгесидаги ЎзМТДП фракцияси чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан эди. Ана шу режага мувофиқ қўшма йиғилишда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ҳамда Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш инспекцияси мансабдор шахсларининг ҳисоботи кўриб чиқилди.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланганидек, партия мамлакатимизнинг халқаро ижобий имижини шакллантиришда туризмни самарали восита деб билади ва уни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Туризм Ўзбекистон халқининг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб этиш, бу бойликнинг жаҳон демократик ҳамжамияти томонидан умумбашарият тарихий меросининг ажралмас бир қисми сифатида тан олиниши йўлида самарали хизмат қилади, шунингдек, фуқароларни миллий ғурур ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда туризмнинг ўрни ва аҳамияти эътиборга лойиқ эканини тарғиб этади.

Йиғилишда мансабдор шахслар "Туризм тўғрисида"ги, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қорақалпоғистон Республикаси қонунининг ижроси, амалга оширилган ишлар, мавжуд камчиликлар ҳамда галдаги вазифалар тўғрисида маълумот берди.

Ҳисоботда таъкидланганидек, ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида туристик хизмат кўрсатишга ҳуқуқ берувчи лицензияга эга туристик хизматнинг 30 га яқини рўйхатга олинган. Шулардан туристик хизмат кўрсатувчи (турагентлик ва туроператорлик) 7 фирма, 23 меҳмонхона ва жойлаштириш ўринлари фаолият олиб бормоқда. Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида ҳудуддаги меҳмонхоналарда уч мингдан зиёд туристга хизмат кўрсатилди, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24 фоизга кўпдир.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасида 131 та археологик, 25 та архитектура объекти, 89 монументал ҳайкал ва бюст, 40 диққатга сазовор жой (мақбара, зиёратгоҳ), жами 285 моддий маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олиниб, қайта рўйхатга киритилган.

— Қорақалпоғистон Республикасидаги сайёҳлик ва зиёрат манзилларига юртимиз ва хорижлик туристларни янада кенг жалб этиш, ушбу масканларда қулай шарт-шароитларни яратиш соҳа ривожида муҳим ўрин тутади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алима Маткаримова. — Шу боис бошқарма ва инспекция тақдим этган маълумот ва ахборотларни муҳокама қилиш жараёнида асосий эътиборни мавжуд камчилик ва муаммоларга қаратдик. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, уларни давлат рўйхатига олиш, туризмни ривожлантириш борасида ҳали талай ишлар қилиниши лозим. Партиямиз ҳамда депутатлик бирлашмаларимиз бу борада тегишли мутасаддилар билан ҳамкорликда иш олиб боришни, мавжуд муаммолар ечимига кўмаклашишни мақсад қилган.

Тадбирда депутатлар, партия фаоллари Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш инспекцияси томонидан ҳудудда амалга оширилган ишлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди, мавжуд камчилик ва муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклиф-тавсияларини илгари сурди.

Билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар инобатга олинган ҳолда ушбу масалани Жўқорғи Кенгес сессиясига киритиш бўйича қарор қабул қилинди.

Мурод ҚУРБОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзМТДП фракцияси раҳбари:

— Партия ва фракциямизнинг қўшма йиғилишида депутатлар, партия фаоллари ва соҳа мутахассислари ҳудудимизда туризмни ривожлантириш юзасидан бир қатор аниқ таклифларни билдирди. Миллий санъатимиз, урф-одат ва қадриятларимизни кенг тарғиб этиш мақсадида республика ва халқаро фестивалларни ўтказиш, туризм соҳасининг гид ва бошқа йўналишлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, юртимизнинг етакчи олий ўқув муассасалари ва сайёҳлик компаниялари мутахассисларини жалб қилган ҳолда Қорақалпоқ давлат университети қошида қисқа муддатли ўқув курсларини, шунингдек, университетнинг ижтимоий-иқтисодий факультетида туризм бакалавр таълим йўналишини ташкил этиш каби таклифлар шулар жумласидандир. Айни пайтда ўрганишларимиз ва билдирилган таклифларни жамлаб, масалани сессияга киритиш бўйича зарур ҳужжатларни Жўқорғи Кенгес раисига топширдик. Қорақалпоғистон ҳудудида туризмни ривожлантириш ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш масаласини сессияда атрофлича муҳокама қилиб, тегишли мутасаддилар ва кенг жамоатчилик эътиборини қаратган ҳолда соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга кўмаклашамиз.

Хожабай КАБУЛОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзМТДП фракцияси ижрочи котиби

Очиқ мулоқотдан сўнг...

Аввал хабар берганимиздек, ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, "Катта Қорасув" маҳалла фуқаролар йиғинида очиқ мулоқот доирасида сайёр қабул ташкил этган эди. Унда ЎзМТДП фракцияси аъзолари мутасадди ташкилотлар билан бирга оила институтини такомиллаштириш, бу борада учраётган камчилик ва муаммолар юзасидан маҳалла аҳли билан очиқ мулоқот ўтказди, уларнинг айрим мурожаатларига шу жойнинг ўзида ечим топилди, ҳуқуқий кўмак кўрсатилди. Ўтган икки ҳафта давомида, бошқа мурожаатларга ҳам ечим топилмоқда. Бундан маҳалла аҳли мамнун.

МУРОЖААТЛАР ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПМОҚДА

— Сайёр қабулда маҳалламиз кутубхонаси фондини ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари, юртимиз тарихига оид адабиётлар билан бойитишга кўмаклашиш борасида амалий ёрдам беришларини сўрагандим, — дейди "Катта Қорасув" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Наима Жабборова. — Чунки келажагимиз ворислари бўлган фарзандларимизни ҳар томонлама етук, маънавиятли, мустақил фикрли ва юксак салоҳиятли инсонлар этиб тарбиялашда китобнинг ўрни беқиёс. Маҳалламиз марказида ташкил этилган мўъжаз кутубхонамиз бу ишда бизга асосий кўмакчи саналади. Мана бугун — орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан ЎзМТДП Марказий кенгаши кутубхонамизга бир қанча китоб совға қилди. Партиянинг бу амалий кўмаги маҳалладошларимизнинг китобхонлик даражасини юксалтириш, оилалардаги маънавий муҳит барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Нуроний отахону онахонлар, ёшлар, маҳалла аҳли барчамиз партиянинг ушбу амалий кўмагидан миннатдормиз.

Дарҳақиқат, муаммо қанча кўп ечим топса, аҳолининг оғири шунча енгил бўлади. Буни маҳалла аҳлининг кайфиятидан, сўзидан ҳам сезиш қийин эмас. Чунки аҳолига кўмакдош бўлиш, уларни қийнаётган масалаларни ҳал этишнинг энг асосий омили очиқ мулоқотдир. Шу боис ЎзМТДП фаоллари бугун ўз фаолиятини халқнинг дарду ташвишларига қулоқ тутишга қаратган.

"Катта Қорасув" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган очиқ мулоқотдан сўнг ўз муаммосига ечим топганлар орасида Маъмурахон Нигманова ҳам бор. Куни кеча таҳририятимизга Тошкент шаҳар Гулобод даҳаси, 74-уй, 30-хонадонда яшовчи Маъмурахондан миннатдорлик хати келди. Унда шундай дейилган: "1979 йилда туғилганман. Оилалиман, уч нафар фарзандим бор. 2010 йилдан буён II гуруҳ ногиронман.

Тикиш-бичиш, миллий либослар тикишга қизиққаним туфайли Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида Юнусобод туманидаги "Иффатли келин" ўқув-марказида уч ой давомида бичиш-тикиш сирларини мукаммал ўргандим. Ўз фаолиятимни йўлга қўйиш учун тикув машинасига эҳтиёжим бор эди. Жорий йилнинг 16 август куни ЎзМТДП томонидан "Катта Қорасув" маҳалласида ташкил этилган сайёр қабулда тикув машинаси олиш учун кўмак сўрадим. Партия вакиллари тез орада мурожаатим, оилавий шароитимни ўрганиб чиқиб, менга тикув машинаси олиб берди. Энди ўз ишимни йўлга қўйиб, маҳалладошлар, қўни-қўшнилар учун либослар тикаман, шогирдлар тайёрлайман, фаолиятимни кенгайтиришга ҳаракат қиламан. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолларига ўзим ва оилам номидан миннатдорлик билдираман".

Бундай мисолларни яна кўп келтириш мумкин. Мухтасар айтганда, жойларда ташкил этилаётган бундай очиқ мулоқотлар, сайёр қабуллар ҳудудларни ривожлантириш, аҳолининг оғирини енгил қилишга хизмат қилмоқда.

О.НАСРИДДИНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Сайёр кабул

АҲОЛИНИ ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ҚИЙНАМОҚДА?

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида аҳоли билан мулоқот қилиш, одамларнинг дардини тинглаш, уларни қийнаётган муаммоларни жойида ҳал этиш тизими йўлга қўйилгани халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаб, ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда жойларда ўтказаётган сайёр қабулларда ҳам бу жиҳатлар ўз ифодасини топмоқда.

Бухоро. ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши "Моҳи Хосса" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этган сайёр қабулда фуқаролардан кўплаб мурожаатлар тушди. Улар, асосан, коммунал соҳа, пенсия ва нафақа таъминоти, тадбиркорлик учун кредит олиш, ички йўлларни таъмирлаш билан боғлиқ мурожаатлар бўлиб, аксарияти жойида ҳал этилди, қолганлари юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

— Маҳалла фуқаролар йиғининг ўз бинаси бўлмаганлиги сабабли янги бино қуришда кўмак беришларини сўраб мурожаат қилдик, — дейди шу ҳудудда яшовчи меҳнат фахрийси, маҳалла фаоли Мади Мўминов. — Қоларверса маҳалламиздаги Маҳтумқули кўчасини кесиб ўтувчи ариқни бир неча бор ҳашар йўли билан тозаладик. Тупроқнинг қайта-қайта тўпланиши қатор ноқулайликларга сабаб бўляпти. Бу масалани ҳам ўрганиб, амалий ёрдам беришларини сўрадим.

Учрашувда Маҳтумқули кўчасида яшовчи фуқаро Аҳмад Аҳмедов маҳалла гузарида нуроний отахонлар учун чойхона, мактабгача таълим муассасаси ҳамда болалар спорт майдончаларини қуриш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди. Фарзандлар келажаги ҳақида қайғуриб гапирган отахон мутахассислар кўмагида тайёрланган ушбу объектлар чизмаси лойиҳасини шу жойнинг ўзида халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Акмал Муҳаммадовга топширди.

А.Муҳамедов айни пайтда ушбу тақдим этилган лойиҳа юзасидан тегишли ташкилотлар раҳбарлари билан учрашиб, унинг 2018 йилда Инвестиция дастурига киритилиши бўйича иш олиб бормоқда.

Мулоқот давомида сайловчи Зумрад Қозоқова ҳамда Дилбар Комилова депутатга Қўлба аҳоли пунктига қарашли 500 метрли йўлни асфальт қилиш ҳамда йўналишли таксилар жорий этиш юзасидан амалий ёрдам сўради. Доимий транспорт қатновининг йўлга қўйилиши иссиқ-совуқ кунларда аҳолига қулай бўлиши билан бирга қўшни "Шайхон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган мактабга ўқувчиларнинг бориб-келиши учун енгиллик яратади. Учрашувда М-37 магистрал йўлида йўл ҳаракат хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан доимий назорат ўрнатилиши нафақат аҳоли хавфсизлигини таъминлайди, балки мактабга қатновчи болалар учун ҳам ниҳоятда муҳимлиги таъкидланди.

Мулоқот якунида депутат аҳоли мурожаатларини ўз ваколати доирасида ўрганиб чиқишини, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан ижобий ҳал қилишни ўз зиммасига олди.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига партиядан сайланган депутат Акмал Муҳаммедов айни дамда Бухоро шаҳар "Соҳибкор-Ғурбун" СИУ, Бухоро вилоят ИИБ ЙҲХБ, Бухоро ҳудудий автомобил йўллари, "Аму Бухоро" ирригация тизимлари Ҳавза бошқармалари раҳбарларига депутатлик сўрови юборибди, аҳоли мурожаатларига ижобий ечим топиш борасида иш олиб бормоқда.

Навоий. Учқудуқ туманидаги "Жузқудуқ" овул фуқаролар йиғинида ЎзМТДП вилоят кенгаши, туман ҳокимлиги ҳамда "Нуроний" жамғармасининг туман бўлинмаси ҳамкорлигида сайёр қабул ташкил этилди.

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши аъзолари сайёр қабул доирасида вилоят марказидан 400 километр узоқликдаги "Жузқудуқ" овул фуқаролар йиғинида янги қурилган 2-умумтаълим мактабида бўлишди. Бу ерда ўқувчилар учун яратилган шароитлар, ўқув жиҳозлари кўздан кечирилди. Айни пайтда мазкур мактабга вилоят марказидан тўрт нафар олий маълумотли ёш мутахассис жалб қилинган бўлиб, уларнинг оилалари учун замонавий турар жой қурилиши якунланмоқда.

Сайёр қабул давомида иштирокчилар туман тиббиёт бирлашмасига қарашли "Жузқудуқ" қишлоқ врачлик пунктида ҳам бўлди. Бу ерда вилоят ва туман марказидан келган 10 шифокор овул аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказди.

— Биз яшаётган овул туман марказидан анча узоқда жойлашганига қарамай, айниқса, сўнгги пайтларда аҳоли турмуш тарзини енгиллаштиришга қаратилган талай ишлар амалга оширилди, — дейди овул фуқаролар йиғини раиси Майрам Жалгасбаева. — Кам таъминланган оилаларнинг хонадонлари ва ички йўллар таъмирланди. Аҳолини қийнаётган муаммоларнинг ечим топишида овулимизда туман мутасаддилари томонидан ўтказилаётган сайёр қабуллар катта ёрдам беряпти.

— Тиббиёт коллежини битирганман, — дейди овулда истиқомат қилувчи Нуркен Сапарбаева. — Иш топишга қийналдим. Сайёр қабул чоғида бу масала дарров ҳал этилди. Туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи Зафар Расулов кўмагида ҳудуддаги қишлоқ врачлик пунктига ишга қабул қилиндим.

"Жузқудуқ" овул фуқаролар йиғинидаги мактабгача таълим муассасаси мудираси Гулзад Раҳмонбердиева мутасаддиларга мактабгача таълим муассасида кадрлар етишмаслиги тўғрисида мурожаат қилди. Туман ҳокими, халқ депутатлари туман Кенгашига партиядан сайланган депутат Соли Ҳамроев ушбу мурожаат юзасидан туман халқ таълими бўлими мудирига депутатлик сўрови юборадиган бўлди.

— Ҳар бир мурожаатнинг ечими қисқа фурсатда ўз ечимини топаётир, — дейди С. Ҳамроев. — Ҳудудларда, айниқса, сифатли тиббий хизматга жиддий эътибор қаратяпмиз. Айни пайтда қишлоқ врачлик пункти қайта таъмирланиб, тезкор тиббий ёрдам учун "Дамас" русумли янги автомашина билан таъминланди.

Қабулда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳам тавсиялар берилди. Йўлларни асфальтлаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби масалалар ечими юзасидан таклифлар берилди.

Сурхондарё. Ангор туманидаги "Илғор" ва "Баҳор" маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли билан бўлиб ўтган сайёр қабулда қатор мурожаатлар ўрганилиб, айримлари шу жойнинг ўзида ҳал қилинди, қолган мурожаатлар бўйича эса мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди.

— Ҳар иккала маҳалла ўртасидан катта асфальт йўл ўтган, — дейди "Илғор" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Набишер Пирматов. — Шу йўл четидан йўловчилар учун махсус йўлакча ажратилишида, маҳалла ҳудудида жойлашган 31-умумтаълим мактабига борадиган йўлни асфальт қилишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Ҳар иккала мурожаатим инобатга олиниб, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Камолиддин Муҳаммадиев вилоят ободонлаштириш бошқармасига депутатлик сўрови юборадиган бўлди. Тез орада мазкур мурожаатларга ижобий жавоб келиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлаб юборилишига ишончим комил.

Фуқаро Бахтиёр Норқулов ўз мурожаатида "Баҳор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 18-умумтаълим мактаби ҳудудида ичимлик сувининг йўқлиги, бу ҳолат эса мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларига қийинчилик туғдираётганидан шикоят қилди. "Сувоқова" давлат унитар корхонасининг вилоят бўлимига мазкур мурожаат асосида депутатлик сўрови юборилди.

Сайёр қабул давомида "Баҳор" ва "Илғор" маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи аҳоли учун китоб ярмарқалари ташкил этилди. Шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Камолиддин Муҳаммадиев Баҳор маҳалласида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд оила фарзандлари учун янги ўқув йили муносабати билан ўқув қуроллари жамланмасини топширди.

Бир сўз билан айтганда, шаҳар ва туманларда давом этаётган бу каби сайёр қабулларда кўплаб муаммолар ижобий ҳал этилмоқда. Бу халқнинг кайфияти, ҳаётимиздаги муваффақиятлар, ўзаро муносабатлар кўп жиҳатдан самарали ва жонли мулоқотларга боғлиқ эканининг яна бир исботидир. Зеро, бундай очиқ мулоқотлар фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилади.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўқув-семинар

СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИ

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЁРИТИЛЯПТИМИ?

Оммавий ахборот воситалари — фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва кайфиятини ифода этадиган, қарашлар ранг-баранглиги асосида ижтимоий фикрни шакллантирадиган муҳим институт. Мамлакат ҳаётининг долзарб масалаларини кенг муҳокама этиш, мавжуд муаммоларга самарали ечим излаш ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш каби вазифаларни бажариш бунда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан "Пойтахт" бизнес-марказида "Журналистларнинг суд-ҳуқуқ соҳасини ёритиш ва журналист суриштирувини ўтказишга оид касбий малакасини ошириш" мавзусида бўлиб ўтган ўқув-семинарда шу ҳақда сўз борди. Унда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва демократлаштириш масалаларини ёритишда журналистлар ихтисослашуви, инсон ҳуқуқ-эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг жамоатчиликка етказиш, жамият ҳаётининг барча соҳасида қонун устуворлигини таъминлашда ОАВ масъуллиятини кучайтириш, журналист суруштирувини ўтказишда касб этикаси қоидаларига риоя этиш, судлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги самарали ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш борасида фикр алмашилди.

Бугун давлат ва хусусий телерадиокомпанияларда, шунингдек, босма ОАВда "Жиноят ва жазо", "Суд залидан репортаж", "Ҳимоя", "Жараён" каби махсус рукнлар ташкил қилиниб, суд жараёнларидан тайёрланган хабар, репортаж, очерк, мақола ва интервьюлар бериб борилмоқда. Энг муҳими, миллий матбуотимизда суд-ҳуқуқ журналистикаси такомиллашмоқда.

Семинарда соҳани мунтазам ва мукаммал ёритиш учун халқаро тажрибани ўрганиш зарурлиги таъкидланди. Бугун ОАВда вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноят тафсилотларига бағишланган мақола, кўрсатув ва чиқишларнинг кўпайиб бораётгани, албатта, яхши. Лекин соҳани ёритишда журналистдан ҳар томонлама профессионал бўлиш, мавзу моҳиятига тўла кириб бориш ва ўқувчига ҳам буни ҳис қилдира олиш талаб этилади.

Матбуотда эълон қилинаётган суд очеркларида йўл қўйилаётган хато-камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатининг бир тушунча сифатида ишлатилаётгани ва буларнинг барчаси деярли бир хил — "Жиноят ва жазо" рукни остида берилаётгани, қонунчиликда бошқача номи мавжуд бўлмаган сўзларга зўрма-зўракилик билан синонимларнинг қўлланилиши каби ҳолатлар юзасидан келиб чиқаётган муаммоли вазиятлар журналистнинг жамиятдаги обрўсига путур етказиши айтиб ўтилди.

Икки кун давом этган ўқув-семинар суд-ҳуқуқ соҳасида қалам тебратадиган журналистлар малакасини ошириш ва бу борадаги халқаро тажриба билан муайян даражада танишиш имконини яратди. Ўзбекистон ва жаҳон матбуотида суд жараёнларини ёритиш муаммолари қиёсий таҳлил этилди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фестиваль

Руҳиятингизда ҳорғинлик, вужудингизда чарчоқ аломатлари сезилганида ёқимли мусиқа тинглаб, озгина тин олсангиз ўзингизни енгил ҳис этасиз. Айрим беморларни даволашда мусиқий терапия яхши самара бериши бугунги замонавий тиббиётда ҳам исботланган.

Ҳар бир халқнинг ўзлигини белгиловчи, тарихидан сўзловчи қадимий куй-қўшиғи ёки рақси мавжуд. Украинларда "Кавпак", туркманларда "Қуш дарти", тожикларда "Отешин", грузинларда "Леккури", озарбайжонларда "Кафтаги", ўзимизнинг Фарғона-Тошкент вилоятларида "Тановар", Хоразмда "Лазги" ана шундай куйлардан. Куй-навоси ўзига хослиги, жўшқинлиги билан ажралиб туради. "Лазги" ижро этилганида, етти яшардан етмиш яшаргача рақсга тушиб кетиши мени ҳайратлантирди.

Фестиваль давомида саҳнада ижро қилинган ҳар бир рақс ўзига хос сюжет ва композицияси билан ажралиб турди. Масалан, Андижон вилоятидан ташриф буюрган "Мерос" рақс жамоаси "Адрас тўқиш" рақсини, бухороликлар "Бухоро зардўзлари", Сирдарё жамоаси "Сават", хоразмликлар "Лазги" тарихи" рақсини ижро этиб, томошабинларни ўзига хос тарзда ҳам маълумот, ҳам рақс сеҳридан баҳраманд этишди. Ҳиндистоннинг "Малба" рақс гуруҳи чиқишлари ҳам барчанинг олқишига сазовор бўлди.

— Ушбу фестиваль воҳамизда иккинчи бор ўтказилмоқда, бунинг аҳамияти жуда катта, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубова. — Тадбирлар доирасида ташкил этилган илмий-амалий анжуман, маҳорат сабоқларида турли рақс мактабларининг ажойиб жиҳатларини ўрганиш имконига эга бўлишди. Ўзбек рақс санъатининг тарихий анъаналарини тиклаш, авайлаб асраш ва бойитиш, шарқона фазилат ва Шарқ маънавиятига мос рақсларни тарғиб этишни вазифамиз, деб биламиз.

РАҚСЛАРДА ЖИЛОЛАНГАН СЕҲР

ХИВА ШАҲРИ "РАҚС СЕҲРИ" ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИГА ИККИНЧИ МАРОТАБА МЕЗБОНЛИК ҚИЛДИ

Шу йилнинг 7-9 сентябрь кунлари очиқ осмон остидаги музей ҳисобланмиш Хива шаҳрининг Ичанқалъасидаги Кўҳна арк иккинчи маротаба "Рақс сеҳри" халқаро фестивалига мезбонлик қилди. Уч кун давомида республикамизнинг барча ҳудудидан ташриф буюрган санъат ва маданият аҳли, уста-ҳунармандлар, косиблар, ошпазлар ўз маҳоратини намойиш этиб, дилларга хушнудлик улашди.

Фестивалда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан рақс жамоалари билан бирга қатор хорижий давлатлардан келган санъаткорлар ҳам иштирок этди. Тадбирнинг учинчи куни бўлиб ўтган ғолибларни тақдирлаш маросими гала-концертга айланиб кетди.

Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Илгизар Собиров мамлакатимизда миллий маданиятимиз ва санъатимиз, хусусан, миллий рақс санъатини ривожлантириш ва кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Фестиваль ташкилотчиларига, хорижлик меҳмонларга, рақс жамоаларига ўз миннатдорлигини изҳор этди. Номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Бундай кўҳна шаҳарларни фақат Шарқ афсоналарида бўлади, деб ўйлардик, — дейди Грециядан келган сайёҳ Мариавва Хисми. — Бу афсона эмас, ҳақиқат эканлигига бевосита гувоҳ бўлиб турибмиз. Тунги чироқлар ёғдусида минора-ю нилий гумбазлар, тарихий обидалардаги рангларнинг товланиши ҳар қандай кишига ҳайрат бағишлайди. Саёҳатимиз рақслар фестивалига тўғри келганидан жуда хурсандмиз. Ўзбек халқининг миллий рақслар жилоси бизни буткул мафтун этди.

Тадбирда бирин-кетин янграган куй-қўшиқлар, уларга ҳамоҳанг товусдек хиром айлаган рақҳосаларнинг нозик ҳаракатлари, шунга монанд ял-ял товланаётган либослари ҳар қандай дилни ўзига ром этмасдан қолмади.

Яна бир хорижлик меҳмон — испаниялик Жесус Гил Фуесанта Ўрта Осиё тарихини ўрганаётган олимлардан экан. Унинг айтишича, Ўзбекистоннинг қандай бой тарихга эга эканини мана шу рақслар фестивалидан ҳам билса бўлади. Чунки маданият ва санъатнинг бу даражада юксалиши, мукамаллашуви учун жуда кўп вақт керак.

— Юртингизнинг ҳар бир вилояти ўзига хос рақс дунёсига, бетакрор кийим ва безакларига эга экан, — дейди Ж.Г.Фуесанта. — Айниқса, хоразмликларнинг

Бу галги "Рақс сеҳри" фестивалида ана шу жиҳатларнинг барчаси намоён бўлди. Жумладан, "Нихол" мукофоти совриндори Дилноза Ортиқова ижро қилган "Товус" рақси, шунга монанд тайёрланган либос саҳнада худди товуснинг ўзи юргандек тасаввур уйғотган бўлса, "Хоразм" рақс ансамбли рақҳосаси Шаҳноза Каримберганова ижросидаги "101" рақсида ногирон қизнинг куй ва ҳаракатлар таъсирида тузалиб, шўх-шаён ўйнаётган ҳолати ва кечинмалари ўз ифодасини топди. Қиз куй ва рақс сеҳридан соғайиб, руҳан юксалади.

Рақс шундай кучга эгаки, у инсон руҳиятига бардамлик, жисми жонига енгиллик бағишлаб, иродасини мустаҳкамлашга, соғлом бўлишга ундайди. Қўшқўпирлик Карим ота Қувоқовни вилоятдаги барча тадбирда, байраму сайилларда учратамиз. Отахон тўқсон ёшдан ошган бўлса-да, тетик ва бардам.

— Ҳаётимни санъатсиз тасаввур қилолмайман, — дейди Карим ота. — Ёшлик пайтларимда ашула айтиб, турли фестивалларда қатнашганман. Ҳозир бирон бир мусиқа янграса ўзимни тутиб туролмайман. Рақс кишини ғайратли қилади. Унга куч, яхши кайфият бағишлайди. Шунинг учун тўқсондан ошган бўлсам ҳам чаққон ва тетикман.

Ҳа, отахоннинг гапларида жон бор. Санъатга ошуфта дил ҳамиша эзгуликка ёндош бўлади. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Хоразм вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил қилинган "Рақс сеҳри" халқаро фестивали барчада катта таассурот қолдирди, кўнгилларга эзгу туйғуларни ошна этди. Фестиваль миллий рақс санъатимизнинг бетакрор жозибасини дунёга танитишда муҳим омил бўлгани, шубҳасиз.

Азамат САФАР,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
38 (470) 2017 йил 13 сентябрь, чоршанба

Ватанпарварлик — олий қадрият

ПОСБОНИМАН, МУҚАДДАС ЮРТНИНГ

Мамлакатимиз Қуролли Кучларини тубдан ислоҳ қилиш, соҳага малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар, Ватан ҳимоячиси этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу йилнинг 28 август куни Самарқандда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган сайёр видеоселектор йиғилишда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари ва долзарб вазифалар ижроси атрофлича муҳокама қилинди. Ўз ечимини кутаётган масалалар жойида ҳал қилиб берилди.

Шарқий-Ғарбий округ қўшинларида жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик, тарбиявий ишлар ушбу белгилаб берилган вазифалар талаблари асосида амалга оширилмоқда. Бунга Наманган вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлганимизда яна бир бор амин бўлдик.

— Видеомулоқотда Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, жаҳон миқёсида вазият тез ўзгариб турган ҳозирги кунда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарор тараққиётни янада мустаҳкамлаш асосий вазифамиз саналади, — дейди ҳарбий қисм командири, подполковник Жамшид Каримов. — Шу боис асосий эътиборни профессионал маҳоратни, билим ва малакани оширишга, фан-техника янгиликларини эгаллашга қаратаяпмиз. Видеомулоқотда халқ билан армия ўртасидаги якдилликни мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Ҳарбий қисмлар билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўқлиги танқид қилинди. Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг танқидий-таҳлилий хулосаларидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий қисм томонидан бу борада амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ҳарбий қисм шахсий таркибининг жанговар шайлигини ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг билим ва кўникмаларини янада бойитишга қаратилган машғулотларни кўтаринки руҳда ташкил этиш доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Айни шу мақсадда Ғурумсарой дала ўқув маркази янги, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Жанговар тайёргарлик машғулотлари максимал даражада реал вазиятларга яқин ҳолда ўтказилмоқда. Бу ҳарбий хизматчиларнинг билимини юксалтириш, касб маҳоратини янада ошириш учун ташкил этилаётган кўрик-танлов ва мусобақаларда муваффақиятли иштирок этаётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимида оммавий спорт ишлари бўйича ўтказилган танловда биринчи, "Энг илғор ҳарбий қисм" кўрик-танловида эса иккинчи ўринни қўлга киритдик. Жорий йилда эса округ ҳарбий қисмлари ўртасида бўлиб ўтган "Энг илғор ҳарбий қисм" кўрик-танловида ўзининг назарий билим ва амалий кўникмасини муносиб намойиш этган ҳарбий қисм хизматчилари фахрли ўринни эгаллади. Яқинда давлатлараро "Армия — 2017" ҳарбий ўйинлари дастури доирасида Хитойда бўлиб ўтган "Қуролсоз уста" танловида мамлакатимиз ҳарбийлари жамоаси сафида қатнашган ҳарбий қисм сержанти Шерзод Турсуналиев 28 давлат вакиллари орасида 2-ўринга сазовор бўлди.

Маълумки, мамлакатимизда жорий

этилган, якка тартибда уй-жойлар қуриш учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш бўйича янги тизим бугунги кунда ижобий натижа бермоқда. Ана шу тизим ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам кенг жорий этилаётир. Ўтган йили 28 ҳарбий хизматчимизга ўз хизмат жойи ва чақирилган ҳудудларидан намунавий лойиҳа асосидаги 6 сотихли коттеж ажратилган бўлса, шу йилнинг ўзида 21 ҳарбий хизматчимиз узоқ муддатли ипотека кредити орқали намунавий лойиҳадаги уй-жой билан таъминланди. Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини иш билан таъминлаш, фарзандларини боғча ва мактабга жойлаштириш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Ҳарбий қисмда аскарларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғлардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш, жанговар-руҳий тайёргарлигини мустаҳкамлаш учун барча шароит яратилган. Ўқув хоналари ва амалий машғулотлар ўтказиш майдончалари зарур жиҳоз ва ускуналар, компьютер технологиялари билан таъминланган. Машғулотлардан сўнг вақтни мазмунли ўтказиши учун барча имконият яратилган.

...Армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишга асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч — бу армия сафларида хизмат қилаётган ҳарбийлардир. Бугун миллий армиямиз сафларида ана шундай мард ва жасур, ҳар томонлама чиниққан йигитлар хизмат қилмоқда. Ушбу ҳарбий қисмда шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётган фарғоналик Нуриддин Турдиалиев шулардан бири.

— Бугун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ҳар бир ўзбек ўғлони учун шарафли бурчга айланди, — дейди оддий аскар Нуриддин Турдиалиев. — Тоғам ҳарбий соҳада узоқ йиллар самарли хизмат қилган. У кишининг гапларидан Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга билимли, юксак салоҳиятли ва ҳар томонлама чиниққан ёшларгина эриша олишини англадим. Қизиқиш, ҳавас, қатъий ишонч ўз устимда мунтазам ишлаш, синов жараёнларига пухта ҳозирлик кўришга ундади. Муддатли ҳарбий хизмат давомида ҳарбийликнинг масъулиятини яна ҳам чуқур англаб, етарли кўникма ҳосил қилдим ва шу тариқа ўз тақдиримни ушбу шарафли соҳа билан боғладим...

Дарҳақиқат, армияда хизмат қилиш ёшларимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, авваламбор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридан келиб муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган Актилек Естеков 24 ёшда. У Тошкент ирригация ва мелиорация институтини менежмент ихтисослиги бўйича тамомлаган.

— Ҳарбий либос кийиш, Ватан ҳимоясидек муқаддас бурчни адо этиш ҳар бир йигит учун катта бахт, — дейди у. — Ана шу бахтга муяссар бўлганимдан хурсандман. Зеро, биз мамлакатимиз мустақиллигини, юртимиз тинчлигини асрар эканмиз, ўз уйимизни, оиламизни асраган бўламиз.

Муҳаммадали Отаев Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридан, оиласининг кенжаси. Мактаб давриданоқ аниқ фанларни аъло даражада ўзлаштириши билан тенгдошларига ўрнак бўлган. Мактабни тамомлагач, Термиздаги саноат коллежида таҳсил олди. Спорт билан астойдил шуғулланганги ҳамда мактаб ва коллежда яхши ўқигани армияда хизмат қилишдек эзгу орзуси ушалишига катта ёрдам берди.

— Муддатли ҳарбий хизматдаги ҳар бир кунимиз мазмунли ўтмоқда, — дейди Муҳаммадали. — Чунки ҳарбий қисмимизда жисмоний тайёргарлигимизни ошириш учун барча шароит бор. Бундан ташқари, кўплаб спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар мунтазам ўтказилади. Бу билим ва кўникмамизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Ниятим — ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, қўмондонлик томонидан бериладиган тавсияномага эга бўлиш ва олий ўқув юртига ўқишга кириш.

Қисмда ҳарбийларнинг нафақат жанговар тайёргарлиги ва жисмоний чиниқтириш масалаларига, балки интеллектуал салоҳиятли ва маънан етук, кенг дунёқарашли бўлишларига ҳам доимий эътибор қаратилади. Умумий китоб фонди 13 мингдан зиёд бўлган кутубхона ҳарбийлар ихтиёрида. Бу ердаги ҳарбий хизматчилар учун керакли ўқув қўлланма ва адабиётлар, кўргазмали воситалар, қорақалпоқ, ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндалари асарлари дурдоналаридан барча бирдай баҳраманд. Ҳарбий хизматчилар ўртасида китоб мутолааси муҳитини ривожлантириш мақсадида "Китобхонлик соатлари", китобхонлик маданиятини юксалтириш учун "Энг яхши китобхон" танлови ўтказилмоқда. Ҳарбий хизмат давомида сафдошларига ўрнак бўлаётган китобхон аскарлар бу ерда кўпчиликни ташкил этади.

— Китоб энг яқин ва беминнат дўст, унга ошно бўлганнинг маънавияти ҳам, дунёқараши ҳам юксак бўлади, — дейди тошкентлик оддий аскар Комилжон Ғуломов. — Айниқса, бугунги тобора глобаллашаётган, "оммавий маданият" хуружи таҳдид солаётган юксак технологиялар асрида маънавиятни асраш, маърифатни юксалтиришда китобнинг ўрнини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Алломалардан бири "Китоб ақл қалъасидир", деб ҳақ гапни айтган. Чунки маърифатли инсонга ҳеч қандай куч бас кела олмайди, билими зўр эса Ватанининг шаъну шавкатини баланд кўтариб, буюк боболаримиз номига лойиқ ва муносиб фарзанд бўлиб камол топади. Шу маънода, ҳарбий хизмат давомида ҳам китобга бўлган меҳрим асло сусайгани йўқ. Яқинда округ қўшинларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ўртасида бўлиб ўтган "Энг яхши китобхон" танловида фахрли ўринни эгалладим.

...Юртимизнинг мард, жасур ўғлонлари билан бўлган гурингимиз бир умр эсда қоладиган бўлди. Алпкелбат йигитларнинг ғайрату шижоатига ҳавасимиз келди. Зеро, уларнинг кўзларидан, гап-сўзларидан ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини, Ватан олдидаги муқаддас бурчни адо этаётганидан фахрланиш ҳиссини илғаш қийин эмас.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Миллий тикланиш" мухбири,
Аҳаджон ЖАББОРОВ
(шартнома бўйича оддий аскар) олган сурат.

Миллий гурур

ДИЛНОЗА — ГРАН-ПРИ СОҲИБИ

Ўзбекистон — иқтидорлар юрти. Бу гап сўнгги пайтларда жаҳон минбарларидан кўп бора айтилмоқда. Бу, албатта, бежиз эмас. Аждодларимиз аввалдан дунё маданияти, маънавияти ва тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келгани ҳақида тарих зарварақлари ҳам сўзлаб турибди. Бугун ўз иқтидорини намоён қилиб, ўзбек номини дунёга танитаётган ватандошларимизнинг кўпчилиги ёш авлод — мустақиллик даври фарзандлари. Улар ўз билимларини халқаро миқёсда ҳам намойиш этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини исботламоқда.

Шу йилнинг 16 июль куни Малайзиянинг Куала Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ментал арифметика бўйича мусобақада ўзбекистонлик ўқувчилар муваффақиятли иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида энг юқори натижани қайд этишди.

Дунёнинг 30 давлатидан вакиллар иштирок этган мусобақа финалида ҳамюртимиз — саккиз ёшли Дилноза Норбоева интеллектуал беллашувнинг бош соврини — Гран-прини қўлга киритди.

...Фарзанд ўз иқтидорини намоён этишида, аввало, унинг оиласи катта ўрин тутади. Чунки ўғил-қизидаги фанга, спортга, ҳунарга бўлган қизиқишни пайқаган ота-она унга тўғри йўналиш бериши, қўллаб-қувватлаши, ўз ўрнида рағбатлантириши, қизиқиши ва иқтидорига қараб уни тўгаракларга жалб этиши керак. Бу бўлғуси иқтидорнинг ўзини намоён қилиши ва бошқаларга ҳам наф келтиришига йўл очади.

Дилноза ёшлигидан мисол ва масалалар ечишга қизиқди. Фарзандидаги математикага бўлган иштиёқнинг баландлигини кўрган ота-она уни "ALOHA mental arithmetic Uzbekistan" ўқув марказининг қўшимча машғулотларига жалб қилди. Дилнозадаги кучли зеҳн ўқув маркази ходимларининг ҳам ҳайратини оширди. Боиси ментал арифметика сабоқларини ўзлаштириш боладан узоқ вақтни талаб қилади. Аммо саккиз ёшли бу қизалоқ учун атиги уч ой етарли бўлди. Бундай кўрсаткич тез фурсатда сабоқ чиқариб, илм-фанда катта ютуқларга эришган, дунё аҳлини лол қолдирган мутафаккирларга хос хусусиятдир. Шундан сўнг мусобақалар бошланиб кетди. Республика миқёсида ўтказилган баҳслардаги ғалаба иқтидорли ўқувчига Малайзияда бўлиб ўтадиган халқаро мусобақа йўлланмасини тақдим этди.

— Ўқувчилар ментал арифметика ёрдамида топшириқларни хаёлида тезкорлик билан ҳисоблашни ўрганади, — дейди "ALOHA mental arithmetic Uzbekistan" ўқув маркази ходими Мунира Музаффарова. — Бу методика асосан, 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларга татбиқ қилинади. Унда аввалига абакус номли махсус ҳисоблаш ускунасидан фойдаланилади. Кейинчалик эса мисолларни болалар абакусни кўз олдига келтирган ҳолда тасаввурида ҳисоблайди. Дилнозанинг ўткир зеҳни, хотираси ва тиришқоқлиги унинг муваффақият қозонишига ёрдам берган бўлса, ажабмас.

Мутахассиснинг таъкидлашича, ментал арифметика бола миясининг чап яримшари ривожланиши, хотираси, диққат-эътибори кучайишига яхши таъсир кўрсатади. Бу дастур айниқса, тил ўрганишда қўл келади, уни ўзлаштирган болада янги маълумотларни жуда тез ва яхши эслаб қолиш қобилияти шаклланади.

Баъзан оддий математик амалларни ҳисоблаш учун ҳам калькуляторга мурожаат қиламиз. Дилноза эса ҳатто мураккаб мисолларни ҳам хотирасида тезда ҳисоблаб, бир зумда аниқ жавоб топа олади. Бу тезкорлик боланинг фикрлаши ва ақлий салоҳияти юксаклигидан далолат беради.

Фарзандининг интеллектуал беллашувдаги ғалабасидан ота-онанинг қувончи чексиз. Зеро, ушбу оилада илм олиш, касб-ҳунар эгаллашнинг заруратию, самарасини яхши англашади.

— Қизимиздаги бу қобилият бошда, тўғриси, бизни ҳавотирга солган эди, — дейди Дилафрўз Норбоева. — Бундай мураккаб дастурни ўзлаштириш унга оғирлик қилмасмикан, деган ҳадик ҳам бўлган. Аммо мана шу оғир ва мураккаб дастурларни ҳам инсон яратганлиги ишончимизни мустаҳкамлади. Эҳтимол, билимини янада оширишга, зеҳнини чархлашга хизмат қилувчи энг илғор методикалар асосидаги машғулотлар, қолаверса, унга бўлган ишончимиз қизимизнинг муваффақият қозонишига туртки бўлгандир...

Бугун Дилноза эришаётган ютуқларга тенгдошлари ҳавас қилади. У айни кунда таҳсил олаётган пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 104-мактабнинг чинакам фахрига айланган.

— Мусобақа жуда қизиқарли бўлди, — дейди ментал арифметика бўйича халқаро мусобақа ғолиби Дилноза Норбоева. — Биринчи марта иштирок этганим учун сал ҳаяжонландим, аммо олган билимларим, устозларимиз, ота-онамнинг қўллаб-қувватлаши менга шижоат бағишлади. Келажакда математикани чуқур эгаллаб, Ватанимизга хизмат қиламан.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Диққат, эълон!

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантириш борасидаги вазифалари ижросини амалга ошириш мақсадида 2017 йилнинг 29 сентябрида "Аёл, оила ва жамият: қонун ҳужжатлари ва уларни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси ташкил этилади.

Конференциянинг мақсади:

Аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, оила институтини янада мустаҳкамлашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Конференциянинг вазифалари:

- Жамиятда оила институтини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, аёл маънавиятини шакллантиришга қаратилган ишлар самарадорлигини таҳлил этиш;

- хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш борасидаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш;

- Соғлом она ва соғлом бола Концепциясини ҳаётга изчил татбиқ этиш ҳамда оналар ва болаларнинг тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан жамоатчилик, депутатлик ва парламент назоратини самарали ташкил этиш;

- хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, улар учун доимий иш жойлари яратиш, оилавий бизнес, касаначилик, ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга улардаги ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятларини намоён этиш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш;

- хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш, мазкур соҳадаги ҳақиқий аҳволни доимий ўрганиб бориш бўйича тўпланган тажрибани илмий тадқиқ этиш, эрта турмуш, эрта туғруқ, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳлар, аёллар ўртасида жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш каби бошқа нохуш ҳолатларга барҳам бериш мақсадида оила институтини мустаҳкамлаш;

- Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция ижроси бўйича уларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш;

- гендер тенгликка эришишда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

-хотин-қизларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг масъулиятини кучайтиришга қаратилган ташаббуслар, лойиҳаларни, шунингдек бу борадаги илғор тажрибаларни ўрганиш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш.

Конференция шўъбалари:

1-шўъба: Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилишда давлат сиёсати: бугунги ҳолати ва истиқболлари;

2-шўъба: Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари;

3-шўъба: Хотин-қизларнинг таълим олиши, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг устувор вазифалари;

4-шўъба: Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда оилавий қадриятларни асраб-авайлашда ижтимоий ҳамкорлик ;

5-шўъба: Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш механизмлари;

6-шўъба: Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.

Конференцияга тақдим этиладиган илмий тезисларга талаблар:

1. Тезислар конференция йўналишларига оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган хулосалар асосида шакллантирилган амалий таклифлар ҳамда тавсиялар билан бойитилган бўлиши лозим;

2. Илмий тезисда адабиётлар ва бошқа манбалардан фойдаланилганда, ушбу манбаларга ҳавола берилиши шарт, келтирилган манбаларнинг (ҳавола) тўлиқ тафсилотини бериш зарур (Интернет манзил, статистика тўплами ёки китоб, нашриёт номи ҳамда йили, фойдаланилган бет ҳамда муаллифи ҳақида);

3. Конференцияга тақдим этиладиган илмий тезислар ўзбек ва рус тилларида тақдим этилиши мумкин;

4. Илмий тезислар матнлари таҳрир қилинган ҳолда А-4 ўлчовдаги қоғозга, юқоридан ва пастдан 2,0 см., чапдан 3,0 см., ўнгдан 1,5 см. жой қолдириб, 1 нусхада расмийлаштирилади. Тезиснинг номи, муаллифнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, илмий даражаси ва унвони, ташкилот номи ва лавозими, электрон манзили тўлиқ кўрсатилади. Сўнгра 1,0 интервалли қаторларда ёзилади. Матннинг электрон нусхаси Times New Roman шрифтида, 14 кегел катталигида, 4-6 бетгача ҳажмда бўлиши лозим. Ҳар бир илмий тезис учта жиҳатни ўзида акс эттириши талаб этилади:

- Кириш (мавзунинг долзарблиги ва мамлакатни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги устувор йўналишларга мос келиши);

- Асосий қисм (мавзуга доир маълумотлар базаси ва унинг илмий таҳлили);

- Хулоса (тугалланган хулосалар ва шу асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таклифлар, амалий тавсиялар).

Конференцияга илмий тезисларни тақдим этиш муддати:

Конференцияда қатнашиш истагини билдирганлар 2017 йил 16 сентябргача белгиланган тартибда илмий тезисларни info@mt.uz электрон манзилига жўнатишлари лозим. Конференцияга тақдим этиладиган илмий тезислар юқорида келтирилган талабларга мос келмаганда тўпламга киритилмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Энг яхши таклифлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ғоявий ва мафкуравий дастури йўналишларини такомиллаштириш учун қабул қилинади ҳамда унинг муаллифлари рағбатлантирилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 53-уй. телефон: (+99871) 239-11-09; факс: (+99871) 277-14-94; электрон почта e-mail: info@mt.uz

Бизнинг шарҳ

БУЮК БРИТАНИЯ КОНСЕРВАТОРЛАР ПАРТИЯСИ

КЎҲНА ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ТАРАФДОРИ

Сиёсий партиялар гоявий-сиёсий қарашлари бўйича асосан уч гуруҳ — ўнг, марказ ва сўл қанот партияларига ажратилади. Ўнг қанот — консерватив йўналишдаги партиялардан иборат. Шу боис улар консерваторлар қаноти деб ҳам аталади.

Консерватизм атамаси лотин тилида "сақлаш", "асраш" каби маъноларни англатади. Француз адиби Франсуа Шатобриан "Консерватор" журналини таъсис этгач, бу атама кенг қўлланила бошланган. Консерватив йўналишдаги партиялар кўпроқ мавжуд анъаналарни сақлаб қолган ҳолда хусусий тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тизимни ривожлантирувчи асосий омил сифатида солиқларни камайтириш, давлатнинг иқтисодиёт соҳасига аралашишини чеклаш, иқтисодиётда давлат секторини энг минимал даражага тушириш каби ғояларни илгари суради. Улар давлатнинг тадбиркорлик субъектларининг қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этишини таъминлаш борасидаги кучли ролини сақлаб қолиш тарафдоридир. Консерваторлар ижтимоий муаммоларни хусусий бизнеснинг ўзи солиқларни камайтириш натижасида юзага келган ортиқча даромадлари эвазига ҳал этиши лозим, деб ҳисоблайди.

Бугун аксарият консерватив партиялар дунё мамлакатлари сиёсий майдонида етакчилик қилмоқда. Буюк Британия консерваторлар партияси, АҚШдаги республикачилар, Норвегия консерваторлар партияси, Испания халқ партияси, Россиянинг "Единая Россия" каби партиялари бунга яққол мисол бўла олади.

Мазкур йўналишдаги партиялар ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, Буюк Британия сиёсий майдонидаги икки етакчи партиянинг бири — Консерваторлар партияси ёдимизга тушади. Бу партия 1834 йилда ташкил топган, катта обрў ва таъсир кучига эга, XX асрда ҳукумат тепасида энг кўп ва давомий иш юритган. 2014 йилда Европарламентда ўтказилган сайловда партия 19 мандатни қўлга киритиб, сайланган аъзолари сони бўйича мамлакатдаги учинчи партияга айланди. Партиядан сайланган депутатлар Европарламентдаги Европа консерваторлари ва ислоҳотчилари фракциясида фаолият кўрсатмоқда. Қолаверса, Консерваторлар партияси 2009 йил 1 октябрда тузилган Европа консерваторлари ва ислоҳотчилари альянсига (қароргоҳи Брюсселда) ҳам аъзо саналади. Партиянинг аъзолари сони 150 минг атрофида.

Консерваторлар партиясининг шаклланишида 1846-1881 йилларда партияга раҳбарлик қилган, 1868 ва 1874-1880 йилларда Буюк Британия Бош вазири бўлган Бенжамин Дизраэлининг хизмати катта. Аввал Консерваторлар партияси аслзодалар-лендлордлар қарашларини ўзида ифодалаган бўлса, 1870-1880 йилларда йирик молия-саноат буржуазияси манфаатларига хизмат қилди. Консерваторлар партияси XX асрда ўзини "ҳукмрон партия" сифатида намоён этди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин (1951-1964, 1970-1974, 1979-1998 йилларда) ҳокимиятни бошқарди.

Консерваторлар партиясининг "гуллаб-яшнаган" даври ўтган асрнинг 80-йилларида мамлакатнинг Бош вазири лавозимида фаолият юритган Маргарет Тэтчер номи билан бевосита боғлиқ. Унинг бошчилигида консерваторлар 1979, 1983 ҳамда 1987 йилги сайловларда ғалаба қозонади. Партия ҳокимият тепасига келган мазкур йилларда мамлакат иқтисодиётида ўсиш, инфляциянинг пасайиши, тадбиркорликдан тушадиган даромаднинг ошиши, бир қатор давлат компанияларини хусусийлаштириш билан боғлиқ жараёнлар юз берди. Бироқ Маргарет Тэтчернинг ҳокимият тепасидан кетиши билан партия аввалги нуфузини йўқотди. Хусусан, 1997, 2001, 2005 йилги парламент сайловларида мағлубиятга учрайди.

2010 йилда ўтказилган парламент сайловида консерваторлар учун 10,7 миллион фуқаро овоз берди. Натижада партия парламентнинг Жамоалар палатасида 306 мандатга эга бўлди. 2015 йилнинг 7 май куни ўтказилган парламент сайловида Консерваторлар партияси ғалаба қозонди. Партия парламент қуйи палатасидаги 650 ўриндан 331тасини қўлга киритди. Бу орқали партия етакчиси, мамлакат бош вазири Дэвид Кэмерон бошчилигида ҳукумат шакллантирилди. Ўша йилги сайловда консерваторлар бюджет тақчиллигини камайтириш, нафақа ёшидаги фуқароларнинг уй-жой харид қилиш имкониятларини кенгайтириш каби мақсад-вазифаларни илгари сурди. Шунингдек, партия мамлакатни Европа Иттифоқидан чиқиши масаласида референдум ўтказиш ҳамда ядро хавфсизлиги тизимини модернизация қилиш ташаббуси билан ҳам чиқди. Сайловолди ваъдаларга содиқ қолган ҳолда 2016 йилнинг ёзида Буюк Британиянинг Европа Иттифоқи таркибидан чиқиши масаласида референдум ўтказилди. Сайловчиларнинг 51,9 фоизи мамлакат Европа Иттифоқидан чиқиши, 48,1 фоизи эса қолиши учун овоз берди. Мамлакатнинг Иттифоқ таркибида қолиши тарафдори бўлган Кэмерон ҳукумат ва партия раҳбарлигидан кетишга қарор қилади. Унинг истеъфосидан сўнг мамлакат Ички ишлар вазири сифатида фаолият кўрсатиб келган Тереза Мэй Консерваторлар партияси ҳамда ҳукуматнинг янги раҳбари сифатида фаолият кўрсата бошлади. Шу тариқа у Консерваторлар партиясидан сайланган мамлакатдаги иккинчи аёл Бош вазирга айланди.

Шу йилнинг 8 июнь куни мамлакатда муддатдан олдин парламент сайлови ўтказилди. Унда Консерваторлар партияси 318, лейбористлар 262, Шотландия миллий партияси 35 мандатни қўлга киритди. Консерваторлар партиясининг бу галги сайловолди дастурида мамлакатда миграция масаласини тартибга солиш, Brexit (Буюк Британиянинг Европа Иттифоқидан чиқиши) масаласи қўллаб-қувватланиши қайд этилди. Шунингдек, дастурдан Шотландия масаласи ҳам ўрин олди. Консерваторлар фикрига кўра, мамлакатнинг Европа Иттифоқи аъзолигидан чиқиш масаласи батамом ҳал этилмагунча, Шотландиянинг мустақиллиги бўйича референдум ўтказилмайди. Шунингдек, консерваторлар соғлиқни сақлаш, таълим тизимини молиялаштиришни кучайтириш ташаббусини ҳам илгари сурди.

Буюк Британияда Консерваторлар партияси нуфузининг юқорилиги ушбу сиёсий кучнинг мамлакат қадрият ва анъаналарини сақлаш тарафдори экани билан ҳам бевосита боғлиқ. Қолаверса, улар илгари сураётган ғоя ва мақсадлар халқчиллиги, ҳаётийлиги билан фуқароларнинг эътиборини қозонмоқда. Консерваторлар ижтимоий лойиҳаларни ортиқча молиялаштириш ва иқтисодиётда давлат ролини қисқартириш тарафдори. Шунингдек, давлат маблағининг янада тежамкорлик билан сарф этилишини таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, анъанавий оилавий қадриятларни ҳимоялаш — асосий ғоялардан. Қолаверса, улар ҳукумат ваколатларининг Буюк Британиядан Европа Иттифоқига берилиши билан боғлиқ ҳар қандай қарор, албатта, референдумга қўйилиши шартлиги ҳақидаги қонунни қабул қилиш тарафдори ҳамдир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам кўп жиҳатлари билан консерватив йўналишга яқин. Зотан, миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, гуманитар ҳаётининг барча соҳасида миллий манфаатларни ҳимоялаш ва илгари суриш, миллий, маданий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимиз, Ўзбекистон халқининг урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ва кўпайтириш партиянинг бош мақсади саналади.

Рангин дунё

ВУЛҚОН ИЧИДАГИ ВУЛҚОН

ЁХУД ТЕЙДЕ МИЛЛИЙ ХИЁБОНИ ҒАРОЙИБОТЛАРИ

"Биз Тейде ҳақида сўз юритсак — Тенерифени, Тенерифе ҳақида гапирсак — Тейдени назарда тутамиз", деган эди машҳур рус шоири Владимир Маяковский Атлантика океанида жойлашган Канар архипелаги таркибига кирувчи энг йирик оролга таъриф берар экан. Шоир нега бундай таъриф берганини мақоламиз давомида изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Тейде миллий хиёбони Канар архипелаги таркибига кирувчи Тенерифе оролида жойлашган бўлиб, майдони 18 минг 900 гектарни ташкил этади. Хиёбон 1954 йилда Тейде ҳамда Пико-Вьехо вулқонлари негизида ташкил этилган. Тейде вулқони хиёбоннинг рамзи саналади. Боиси бу вулқон кратери нафақат Тенерифе, балки Канар ороллaридаги энг баланд чўққидир. Унинг баландлиги 3 минг 718, океан тубидан ҳисоблаганда 7,5 минг метрга етади. "Тейде" маҳаллий халқ тилида "қорли тоғ" маъносини англатади.

Вулқоннинг юзага келиш тарихи ўзига хос. Бундан 150 минг йил муқаддам бу ерда кучли вулқон отилиб, ундан денгиз сатҳига нисбатан баландлиги 2 минг метрли Ла-Каньядас деб номланган вулқон ўраси ҳосил бўлган. Кейинроқ вулқоннинг яна отилишидан Тейде вулқони юзага келган. Шу боис уни "вулқон ичидаги вулқон" дейиш мумкин. 1704 ва 1705 йилларда ҳам вулқон отилган. 1706 йилда унинг яна ҳаракатга келиши оқибатида оролнинг шимоли-ғарбидаги Гарачико шаҳри ва унга туташ қишлоқлар зарар кўрган. Бундан шаҳар аҳолиси жабрланмаган, чунки улар шаҳарни тарк этишга улгурган. Тейде сўнгги бор 1909 йилда "уйғонган".

Пико-Вьехо баландлиги жиҳатидан (3134 метр) оролдаги иккинчи вулқон саналади. Унинг кратери 1907 йилда вулқон отилиши натижасида ҳосил бўлган. Хиёбондаги яна бир диққатга сазовор объект — Лос Рокес де Гарсия деб номланган қоятошлар. Улар ноодатий кўринишга эга бўлиб, асоси юқори қисмига нисбатан ингичкалиги билан ажралиб туради.

Бу ернинг иқлими қуруқ. Вулқон чўққисида ҳатто ёзда ҳам ҳаво анча салқин бўлади. Ёғингарчилик кам кузатилади. Хиёбонда 168 турдаги ўсимлик ўсади, улардан 58 тури ноёб бўлиб, фақат шу ҳудудда учрайди. Бу ерда яшовчи йирик ҳайвонларнинг аксарияти тунги ҳаёт тарзига мослашган. Шу боис кундузи хиёбонда жониворларга камдан-кам кўзингиз тушади. Ахён-ахёнда калтакесак, қуён, типратикан, ёввойи мушуклар кўзга ташланади. Бу ерда кўршапалаклар ҳам учрайди. Хиёбон ҳудудида баъзи қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Масалан, ўсимликларни юлиш, тошларни йиғиш мумкин эмас.

Хиёбон ҳудудида иншоотлар у қадар кўп эмас. Дейлик, Parador de Canadas del Teide меҳмонхонаси қишда ҳам фаолият юритади. Хоналар нархи 90 евродан бошланади. Унга олдиндан буюртма бериш талаб этилади.

Бундан икки аср олдин таниқли немис табиатшуноси Александр фон Гумбольт ҳам Тенерифега саёҳат уюштириб, Тейде вулқони кратерига кўтарилган. Манбаларда келтирилишича, тадқиқотчи-олим бунга 29 соатда эришган. Бугун бу қадар кўп вақт сарфлашнинг ҳожати йўқ. Сабаби вулқоннинг 2 минг 356 метр баландлигидан бошлаб арқонли йўл ўтказилган. Унга кабина маҳкамланган бўлиб, сайёҳларни 10 дақиқа ичида 3 минг 555 метр баландликка олиб чиқади. Канатнинг энг юқори қисмига кўтарилганда, юқоридан Канар архипелаги таркибига кирувчи барча оролни томоша қилиш имкони туғилади. Арқонли йўл ноябрдан май ойига қадар ишлайди. Чипта нархи катталар учун 25, болалар учун эса 12 евро этиб белгиланган.

Тейде вулқонининг кратерига саёҳат уюштиришга нисбатан чеклов ўрнатилган: кунлик ташриф 150 кишидан ошмаслиги керак. Бунинг учун хиёбон маъмуриятидан махсус рухсатнома олиш талаб этилади. Хиёбон ҳудудида расадхона фаолият кўрсатади. Унда турли астрономик кузатувлар, илмий тадқиқотлар олиб борилади.

2007 йилда Тейде миллий хиёбони ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

"ИРМА" ФЛОРИДАДА

"Ирма" довули Флорида штати ҳудудига етиб келди. АҚШ Миллий довуллардан огоҳлантириш маркази шу ҳақда хабор тарқатган.

Манбага кўра, довул кучи максимал беш даражали хавфдан тўртинчи даражага тўғри келади. Шамол тезлиги соатига 209 километрни ташкил қилмоқда. Довул штат жанубидаги Флорида-Кис оролини қамраб олган. Хабарларга қараганда, у Флорида қирғоғи бўйлаб шимоли-ғарбий йўналишда ҳаракатланмоқда. Штатнинг баъзи ерларида сув сатҳи 2,5 метрга кўтарилди.

Бундан аввал Флорида штати губернатори Рик Скотт 6,3 миллион кишининг хавфсиз жойга кўчирилгани ҳақида маълум қилганди. Уларга борган ерларида қолиш тавсия қилинган.

Эслатиб ўтамиз, "Ирма" сўнгги 20 йилда Атлантикада кузатилаётган энг кучли довул сифатида қайд этилмоқда. Кариб сув ҳавзасида яшовчи 20 дан зиёд киши довул қурбонига айланган.

БОЛА БИЛАН БИРГА "ЎСУВЧИ" КИЙИМ

Британиялик муҳандис Райан Ясин кичик болалар учун кийим ихтиро қилди. У бола билан бирга ўсади. Бу ҳақда "ria.ru" хабар тарқатган.

Райан бу билан болалар кийимига доимий равишда пул сарфлаш муаммосини ҳал қилиш ниятида. Муҳандис ўз ихтироси ҳақида лойиҳа сайтида маълум қилди. Олим яратган энига ва бўйига чўзилувчи материал резина каби ингичкалашмайди. Бунга плиссировка (қат-қат бурма солиш) воситасида эришилди. Янги материалдан тайёрланган кийим намга чидамли. Моделни икки ёш тоифасидаги ва икки-беш ёш оралиғидаги болалар учун ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Ихтирочининг сўзларига кўра, янги материал қайта ишланиши ҳам мумкин.

"Ўсувчи" кийим нафақат ота-оналар пулини тежаш, балки атроф-муҳит озодалигини таъминлаш имконини ҳам беради.

ШОКОЛАДНИНГ ЯНГИ ТУРИ ЯРАТИЛДИ

Швейцариялик шоколад ишлаб чиқарувчилар унинг тўртинчи тури яратилганини маълум қилди, деб ёзади "vokrugsveta.ru".

Бундан олдин аччиқ, сутли ва оқ рангли шоколадлар тайёрланиб келинаётган эди. Ишлаб чиқарувчиларнинг маълум қилишича, у пушти рангда бўлса-да, лекин ҳеч қандай ароматизатор ва ранг қўшилмаган. У какаонинг бир неча навини қайта ишлаш натижасида пушти рангга киради. Янги шоколад енгиллиги, меваларнинг таъмини бериши билан ажралиб туради. Шоколаднинг ушбу турини яратган фирма

ҳозирча унинг таркибини сир тутмоқда. Чунки экспертлар ҳали шоколаднинг янги тури кашф этилгани борасида аниқ тўхтамга келгани йўқ. Шоколаднинг бундай мақомга лойиқ кўрилиши учун у оммавий ишлаб чиқарилиши ва истеъмолчилар ишончини қозониши лозим.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Фестиваль

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР НАМОЙИШИ

ЎЗБЕК ОШПАЗЛАРИ 7 МИНГ 360 КИЛОГРАММЛИК ПАЛОВ ТАЙЁРЛАБ, ЖАҲОН РЕКОРДИНИ ЎРНАТДИ

Пойтахтимизнинг Амир Темур хиёбони атрофи ва Сайилгоҳ кўчаси шу йилнинг 8 сентябр куни эрта тонгдан гавжум бўлди. Моҳир ошпазларимизнинг миллий таом — палов тайёрлаш жараёнини Гиннес рекордлар китоби вакиллари кузатмоқда ва бу борада жаҳон рекорди ўрнатилиши кутилаётир. Дилларда қувонч, кўзларда қизиқиш ва ҳайрат...

Айни шу куни Ўзбекистон пойтахти ҳам замонавий мегаполис, ҳам қадимий шаҳар — Тошкент "O'zbegim" миллий қадриятлар фестивали ўтказилган маконга айланди.

"Milliy" телеканали ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивалда кенг жамоатчилик ва дипломатик корпус вакиллари, хорижлик меҳмонлар, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизнинг маданий қадриятларини қўллаб-қувватлаш, оммалаштириш, Ўзбекистоннинг бой мероси билан ҳамюртларимиз ва хорижлик меҳмонларни таништириш, миллий маданият, санъатнинг энг яхши намуналарини халқаро жамоатчиликка намойиш этиш ҳамда юртимизнинг "ташриф қоғози"ни яна биттага кўпайтириш мақсадида ташкил этилган фестиваль бир-биридан ёрқин лаҳзаларга бой бўлди.

...Сайилгоҳ кўчаси бўйлаб сайрга отланган юртдошларимиз ўзларини бутунлай бошқа оламга тушиб қолгандек ҳис қилишди. Ўзбек миллий анъаналари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, миллий таомлар, дорбозлар ва халқ ўйинлари, либослар намойиши, концерт дастурлари бу ерга келган ҳар бир иштирокчига олам-олам қувонч бағишлади.

Буларнинг барчаси фестиваль доирасида ташкил

этилган "Халқ ҳунармандлари ярмаркаси" чорраҳасида кесишди, ўйғунлашди. Очиқ осмон остида ташкил қилинган, миллий ҳунармандчилик намуналари музейини эслатувчи бундай манзара ҳар қандай кишини ўзига буткул ром қилади, гўзал таассурот, ҳайрат ва ҳавас уйғотади.

— Фестиваль хабарини эшитиб, оиламиз билан Самарқанддан келдик, — дейди Маҳмуд ота Эсонов. — Талабалик давримизда бу кўчадан деярли ҳар куни ўтардик. Ўша пайтлари кун келиб бу ерда шундай катта байрам шодиёна бўлади, дейишса, ишонмасдик. Мана бугун барчасига гувоҳ бўлиб турибмиз. Халқимизга шундай байрамлар ярашади. Илоҳим, тинчлигимизга, тотувлигимизга кўз тегмасин.

...Кўча бўйлаб халқ ўйинлари, айниқса, полвонларнинг чиқишлари иштирокчиларга манзур бўлди. Қадрдон миллий куй-қўшиқларимизнинг жаранги оҳанрабодек ўзига чорлайди. Миллий қадриятларга йўғрилган санъат сеҳри тили ва дини турли хил бўлган халқларни бирлаштиришига гувоҳ бўлдик. Миллий ва жўшқин оҳанглардаги наволар сайёҳларни ҳам рақсга тушириб юборади...

Тандирда лағмон тайёрланганини ҳеч эшитганмисиз? Шу куни фестивалга келганлар бунга бевосита гувоҳ бўлишди. Қатор қилиб тизилган йигирма чоғли тандирда нафақат ўзбек, балки уйғур ва Европа миллий таомлари ҳам тайёрланди. Ҳайрати ошган ҳамюртларимиз ва хорижлик меҳмонлар бу овқатлардан тановул ҳам қилиб кўришди.

Бу фестиваль доирасидаги тадбирлардан бири — "Тандир-шоу" эди.

Хоразм, Бухоро, Фарғона, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига хос миллий таомларнинг тайёрланишини кузатиб туриш, мазали таом ва ширинликлардан татиб кўриш, бир пиёла чой устида ҳордиқ чиқариш имкони барчага бирдек ҳузур бағишлади.

— Мен ҳозир уйғур миллий таомларидан бирини пиширяпман, — дейди хивалик ошпаз Руслан Отамуродов. — Бундан ташқари, шўрва, дўлма, қозонкабоб каби 30 дан ортиқ овқат ҳам айнан тандирда тайёрланяпти. Тўғриси, анчадан буён ошпазлик қилиб келаётган бўлсак-да, ҳаяжондамиз.

Фестиваль доирасида бўлиб ўтган миллий либослар намойиши иштирокчилари фаолияти билан танишиб, бугун фидойи ёшларимиз кўпайиб бораётганига яна бир карра амин бўлдик. Қолаверса, бу лойиҳанинг "оммавий маданият" ҳуружи, мафкуравий таҳдидлар авж олаётган бугунги глобаллашув даврида ёшларимизни миллий анъаналар ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда аҳамияти беқиёсдир.

Адрас, атлас ва бошқа матолардан миллий ва замонавий дизайн уйғунлигида тикилган либослар кўргазмаси ёшларимизда катта қизиқиш уйғотди.

Шундан сўнг фестивалнинг энг ёрқин ҳодисаси — "Рекорд палов" лойиҳаси томон отландик. ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган ўзбек паловини, юртимизнинг бой ва ноёб маданиятини бутун дунёга намойиш қилишдек олий мақсад бирлаштирган 50 дан ортиқ моҳир ошпазларимиз диаметри 4,2, ҳажми 8 метр куб ва баландлиги 1 метрдан зиёд бўлган қозонда ош тайёрлаш учун киришди.

Аввалроқ, 18 август куни Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида Ўзбекистонда энг кўп миқдорда ош дамланган эди. Экспертларнинг қайд этишича, ўшанда рекорд паловнинг оғирлиги 6 тоннадан ошган. Бу Guinness World Records вакиллари иштироки кутилган мана шу фестиваль учун "репетиция" вазифасини бажарган.

1 минг 500 килограмм мол гўшти, 400 килограмм қўй гўшти, 220 килограмм думба ва, энг асосийси, 1 минг 900 килограмм гуруч, 2 минг 700 килограмм сабзи, 220 килограмм пиёз, 440 литр ўсимлик ёғи, 57 килограмм туз, 100 килограмм нўхат, 190 килограмм майиз, 5 килограмм зира, 2 килограмм янчилган қалампир, 1 килограмм зарвача ва 350 литр сув қўшилиб, таъми ростланган паловнинг тайёрланиш жараёнини Guinness World Records вакиллари бевосита кузатиб борди.

...Ниҳоят тилларанг ошнинг иштаҳа очувчи ҳиди Сайилгоҳ кўчаси бўйлаб таралди. Мутахассислар Гиннес рекорди ўрнатилганини маълум қилишди. Шу тарика 7 минг 360 килограммлик палов тайёрланиб, жаҳон рекорди ўрнатилди. Ошпазларимизга махсус сертификат топширилди.

— Гиннеснинг рекордлар китобида қайд этилиш учун таомга тўрт тонна масаллиқ сарфланиши керак эди, — дейди Guinness World Records вакили Ричард Стенинг. — Бугун ушбу талаб ошиғи билан бажарилди. Паловни тайёрлаш жараёнида Guinness World Records талабларига тўлиқ риоя қилинди. Палов тайёрлаш бўйича жаҳон рекорди ўрнатилди. Бу, албатта, Гиннеснинг рекордлар китобида қайд этилади.

Тайёр бўлган палов дастлаб Мурувват ва Меҳрибонлик уйларига тарқатилди. Шундан сўнг меҳмонлар ошнинг мазасига баҳо беришди.

— Тошкентга биринчи келишим ва у мени гўзаллиги билан мафтун этди, — дейди россиялик журналист Святослав Гордин. — Қўли гул ҳунармандлар ва рассомлар қадимий анъаналар уйғунлигида яратган тасвирий ва амалий санъат асарлари менга жуда ёқди. Улкан қозонда етти тоннадан ортиқ паловнинг тайёрланишини кузатиш ва уни татиб кўриш бахтига муяссар бўлдим.

— Ош халқимизнинг чинакам миллий таомига айланган, — дейди Ўзбекистон ошпазлари уюшмаси фахрий аъзоси Ҳаким Ғаниев. — Бу миллий таомимиз ҳақида олтита китоб ёзганман. Халқимиз барча яхши кунида хонадонида фарзанд дунёга келса ҳам, элга тўй берса ҳам ёру биродарларига ош беради. Мана шу жиҳатлари билан ҳам халқимиз учун қадрлидир. Мана, бугун ўзбекнинг шоҳона оши жаҳон рекордини ўрнатди. Бу бизга ифтихор бағишлайди.

Фестивалнинг асосий тадбирларидан яна бири "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида ўтказилган "O'zbegim" китобининг тантанали тақдимоти бўлди.

Китоб-альбом билан танишган ўқувчилар ундаги нодир тарихий ва замонавий ҳужжатлардан халқимизнинг моддий ва номоддий бойликлари, меъморий обидалари, бой мероси ҳақидаги ва бошқа кўплаб маълумотларга эга бўлади. "O'zbegim" китоби лойиҳаси устида 10 га яқин суратқаш ишлаган. Китоб учун иш жараёнида олинган 10 мингдан зиёд суратдан 2 мингтаси танлаб олинган. Нашрдан 6 та панорамали сурат жой олган. Энг йирик фотокомпозицияда 250 дан зиёд киши тасвирланган. Улар Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари бўлиб, ҳар бири ўз миллий либосида акс эттирилган. Суратга олиш жараёнида керакли муҳитни яратишда 50 дан зиёд ҳунарманд-устанинг 500 дан ортиқ амалий санъат намуналаридан фойдаланилган.

Фестиваль жараёни пойтахтимизнинг турли масканларида ўрнатилган 20 дан ортиқ экранда бевосита намойиш этилди. Шунингдек, "Milliy" телеканали, Guinness World Recordsнинг Facebookдаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри эфирга узатиб борилди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
Сардор МУЛЛАЖОНОВ
(фотосурат),
"Milliy tiklanish" мухбирлари

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

МАККАЖЎХОРИ — ДАРМОНДОРИЛАР КОНИ

Тилларанг тусдаги, иссиқкина маккажўхори доначаларини тановул қилиш барчага хушкайфият бахш этади. Айниқса, ундан таралаётган ёқимли ҳид иштаҳани қитиқлайди.

Маккажўхори дунёда буғдой ва гуручдан кейин энг кўп экиладиган экин саналади. Унинг асл ватани — Марказий ва Жанубий Америка. Маккажўхори юртимиз ҳудудида қадимдан маълум бўлган. Йиллар давомида унинг олти ойлик, хўраки, бой жўхори каби навлари яратилган.

Маккажўхори донидан ун, ёрма, бодроқ, ширин қаламчалар тайёрланади. Ундан қандолат маҳсулотлари учун зарур крахмал қиёми ва ёғ олинади. Тиббиётда кенг қўлланиладиган попуги таркибида 2,5 фоизгача ёғ, 0,12 фоиз эфир мойи, сапонинлар, флаваноидлар, органик кислоталар, гликозидлар, С ва К витаминлари, каротин ва бошқа зарур моддалар мавжуд.

150 грамм жўхори билан катта ёшли инсонларнинг В 1 витаминига бўлган талабини қондириш мумкин. Унинг таркибида паришонхотирликдан ҳимоя қилувчи ва антитоксин ҳисобланган Е витамини мавжуд. Жўхорини мунтазам истеъмол қилиш юрак хасталиклари ва саратон хавфининг олдини олади.

Унинг мевасидан олинган мой қон таркибидаги холестеринни камайтириш, артеросклероз касаллигини даволаш ва олдини олиш учун қўлланилади. Шу билан бирга, организмда моддалар алмашинувини яхшилашда, қандли диабет, нефрит, буйрак-тош ва холесистит касаллиги, ўт ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Маккажўхоридан олинадиган крахмал болаларга мўлжалланган дорилар таркибига қўшилади.

Жўхори темир, кальций, фосфор, магний ва бошқа микроэлементларнинг манбаи саналади. Унда Менделеев жадвалидаги элементларнинг 26 тури мавжуд. Таркибидаги В, Е, А, РР витаминлари инсонни руҳий зўриқишдан халос қилиб, тери ва сочни соғлом, гўзал ҳолда сақлайди. У ёшартирувчи хусусиятга ҳам эга. Қайнатилган жўхори ўзидаги фойдали хусусиятларни йўқотмайди. Унинг таркибига кирувчи лизин ва триптофан ошқозон-ичак қобилияти ва мушаклар тонусини яхшилашга хизмат қилади.

Қайнатилган жўхори қандли диабетга чалинган беморлар учун ҳам тавсия этилади. У қанд миқдорини меъёрга келтиради, аллергияга мойиллиги борларга, камқонликдан азият чекувчи, жигар, юрак хасталиги билан оғриганларга яхши фойда беради.

Сурункали бош оғриғи ва ошқозон-меъда фаолиятида муаммоси бор инсонларга қайнатилган жўхорини кўп истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

БИЛАСИЗМИ?

●Ўзбекистонлик машҳур гимнастикачи Оксана Чусовитина етти маротаба ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган ягона спортчи сифатида Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олган. Қолаверса, у энг ёши катта спортчи сифатида (41 ёшида) "Рио-2016" Олимпиадасида ҳам иштирок этган.

ТУРФА ОЛАМ

РОБОТ МАРАФОНДА ҚАТНАШДИ

Яқинда Россиянинг Перм шаҳрида мустақил хизмат кўрсатувчи "Promobot" деб номланган робот халқаро марафонда иштирок этди. Бу ҳақда "tjournal.ru" хабар тарқатган.

Робот уч минг километр масофада ўтказилган пойгада уч минг киши иштирокида югурди. Унинг иштироки очиқ жойда мустақил ҳаракатланиш ва омма ичида йўналиш олиш тизимини синовдан ўтказиш учун ташкил этилди. Роботнинг бошқа иштирокчиларга хавф туғдирмаслиги таъминланди.

Робот муаллифларининг айтишича, бу спортга эътиборни оширади ва марафонда ҳамма иштирок этиши мумкинлигини англатади. Марафон иштирокчилари роботнинг иштирокига бажонидил розилик билдирган.

"АҚЛЛИ" МУЗЛАТГИЧ

Берлин шаҳрида ўтказилган "IFA — 2017" технология кўргазмасида "Panasonic" компанияси "ақлли" музлатгичнинг хомаки нусхасини намойиш этди. Уни овозли буйруқлар ёрдамида бошқариш мумкин, дейилади "cnet.com" сайтида.

Музлатгич ўз эгасининг ёнига келиши, ичида қандай ичимликлар сақланаётгани ҳақида хабар бериши, таомларни тавсия этиши мумкин. Қурилмага бир неча ҳисоблагич ўрнатилган бўлиб, улар музлатгичга хона бўйлаб ҳаракатланишда ёрдам беради.

Интернет нашрининг хабар беришича, музлатгич ҳозирча намуна сифатида намойиш этилди, унинг оммавий тарзда ишлаб чиқарилиши борасида маълумотлар йўқ.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Эълон!

Тошкент шаҳар Учтепа тумани тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш "Ягона дарча" марказида 008668—01 реестр рақами билан 14.03.2017 йилда давлат рўйхатидан ўтган (почта манзили: Учтепа тумани, Садоий кўчаси, 11-уй) "BOB FOUNDER" хусусий корхонаси (СТИР 304 740 517) таъсисчисининг 11.09.2017 йилдаги қарорига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун тел.: +99899 848-19-48

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши кенгаш аъзоси **Сирожхон ҒОЗИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ММММда

ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ

ИЗЧИЛ ВА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ РИВОЖЛАНЯПТИ

"Ўзфармсаноат" акционерлик концерни ҳамда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида "Мустақиллик йилларида фармацевтика соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар: кеча, бугун ва эртага" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда фармацевтика саноати изчил ва босқичма-босқич ривожланди. Дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Масалан, биргина 2017 йилнинг олти ойи давомида 813,9 миллиард сўмлик (ўсиш суръати 123,2 фоиз) маҳсулот ишлаб чиқарилди, 10,5 миллион АҚШ доллари миқдорида фармацевтика маҳсулоти экспорт қилинди.

"Ўзфармсаноат" АК корхоналарида жорий йилда 50 та янги маҳсулот тури ўзлаштирилди, шундан 42 таси янги дори воситаларидир.

— Концернимиз зиммасида яна бир муҳим вазифа турибди, — деди "Ўзфармсаноат" АК бошқарув раиси маслаҳатчиси Жамолиддин Нажмиддинов. — Бу яқин йиллар ичида маҳаллий ўсимликлар хомашёсидан сифатли ва арзон дори воситалари ишлаб чиқаришдан иборат.

Соҳа вакилларининг таъкидлашича, фармацевтика саноатининг ривожланишида етакчи ҳорижий корхоналар билан ҳамкорлик катта аҳамиятга эга. Шу боис ҳозирги вақтда Ҳиндистон, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Беларусь, Украина ва Тожикистоннинг етакчи компаниялари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш мақсадида соҳа корхоналарига солиқ ва божхона имтиёзлари берилди, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда имтиёзли молиялаштириш манбалари белгиланди, маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилувчи кафолатланган механизм шакллланди. Бунинг натижасида айни пайтда дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқараётган корхоналар сони 150 тага етди.

Шу йилнинг ўзида соҳага оид тўртта Президент фармони ва қарори қабул қилинди.

Анжуманда соҳани янада ривожлантириш учун аҳолини дори воситалар ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, маҳаллий корхоналар томонидан сифатли ва арзон дори воситалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва рағбатлантириш зарурлиги қайд этилди.

Исломжон НОРМАМАТОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Ахмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 916, Адади — 5175. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Шоҳида ДАМАНОВА
Навбатчи: Исломжон ҚЎЧҚОРОВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.15.
ISSN 2010-7714
123456